БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ҚОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 56 (1576)
19 МАРТ ШАНБА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

В. И. Ленининг уч томлик танланган асарлари

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти Давлат сиёсий адабиёт нашриёти билан биргаликда В. И. Ленининг танланган асарларини нашрга тайёрлади.

Буюк доҳининг бу танланган асарлари 3 томдан иборат бўлади. Бу томларга В. И. Ленининг партия маорифи шохобчаларининг ўқиш программасида тавсия этилган асосий асарлари киритилади. Уч томлик танланган асарлар пропагандистлар, партия маорифи системасидаги тўгарак ва семинар тингловчиларига ҳамда марксизм-ленинизм кечки университети тингловчилари учун мўлжалланган. Шунингдек, бу танланган асарлар олий ўқув юрти ўқитувчилари, студентлари ҳамда КПСС тарихини мустақил ўрганувчилар учун ҳам тавсия этилади.

В. И. Ленининг асарлари бу томларда хронологик асосда жойлаштирилган.

Биринчи томга (52 босма листдан иборат) Ленининг 1894—1917 йил март ойларида ёзган асарлари киритилади. Иккинчи томга (45 босма листдан иборат) 1917 йил апрель — 1918 йил май ойларида ёзган асарлари киритилади. Учинчи томга (48 босма листдан иборат) 1918 йил август — 1922 йил декабрь ойларида ёзган асарлари киритилади.

Уч томлик танланган асарлар Давлат сиёсий адабиёт нашриёти томонидан 1960 йили нашр этилади. Томлар обуна орқали тарқатилади. Ҳар бир томнинг тахминан нархи 13 сўмдан иборат. Обуна китоб савдо магазинлари, матлубот кооперацияларида қабул қилинади.

ТИНЧ ОКЕАН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Сизлар ўзларингизнинг қаҳрамонликларингиз билан Ватанимизнинг шуҳратини янада оширдингиз, бутун жаҳонни хайратда қолдирдингиз

ТЕЛЕГРАММА

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси

ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВГА

Қадрли Никита Сергеевич!

Бизга, Совет Армиясининг оддий жангчиларига оталарча меҳрибонлик билан айтган гапларингизни зўр ҳаяжон ва миннуният билан ўқидик. Бизнинг ҳиссамизга тушган оғир машаққат кунларида она-Ватанни асло эсдан чиқармадик. Она-Ватанга муҳаббат стихия билан курашда кучимизга куч қўшди. Биз ҳарбий бурчимизга содиқ бўлиб, совет солдатларига муносиб тарзда ҳаракат қилишга интилдик.


Сизга шуни маълум қиламизки, куч тўплаб, соғайиб бораётирмиз, жанговар сафда яна ўз ўрнимизни олмоқ учун жонажон юртимизга мумкин қадар тезроқ қайтиб боришни астойдил истаймиз.

Қадрдон Никита Сергеевич, Сизнинг самимий истакларингизга: «Совет Иттифоқига хизмат қиламиз!» деб жавоб қайтарамиз.

Младший сержант: ЗИГАНШИН.

Рядовойлар: ПОПЛАВСКИЙ, КРЮЧКОВСКИЙ, ФЕДОТОВ.

Сан-Франциско шаҳри, Караван Лож меҳмонхонаси
1960 йил 16 март.



А. Р. ЗИГАНШИН — Ф. Г. ПОПЛАВСКИЙ — А. Ф. КРЮЧКОВСКИЙ — И. Е. ФЕДОТОВ

Уларнинг қаҳрамонлиги ҳаммамиз учун намуна

Бутун Москва тўрт совет солдати — младший сержант А. Зиганшин, оддий аскарлардан Ф. Поплавский, А. Крючковский, И. Федотовларнинг мислсиз қаҳрамонлиги тўғрисида гапирмоқда. Москваликлар стихияни, очлик, совуқни, ўз ҳиссасига тушган барча машаққатларни енгган тўрт қаҳрамоннинг ишидан хурсанд эканликларини изҳор қилмоқдалар. Пойтахт меҳнаткашлари Н. С. Хрушчевнинг шонли совет жангчиларига юборган мактубини завқ билан ўқидилар. Бу мактубнинг ҳар бир сўзи ўзининг содиқ фарзандлари билан ҳақли суратда фахрланаётган совет халқининг фикр ва туйғуларини ифода этади.

Москвадаги шлифовка станоклари заводи биринчи механик цехининг шлифовщиги, коммунистик меҳнат зарбдори Анатолий Петухов ўзи билан бирга ишлаётган ўртоқларига бундай деди:

— Уларнинг қаҳрамонлиги ва мисли сиз жасорати ҳаммамиз учун намунадир. Уларнинг зафари — Ватанга фидокорона хизмат қилиш намунасидир.

«Динамо» заводининг ишчилари тўрт совет жангчисининг қаҳрамонлигини қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Тўрт совет жангчиси тўғрисида радио ва газеталар эълон қилган хабарлар Москвадаги Шчербаков номли пойи комбинати тўқимачиларининг диққат марказида турибди. Комбинат тайёрлаш цехининг бошлиғи, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси А. М. Тюрин қуйидагиларни айтди:

— Мен уруш шароитида кишиларимизнинг қаҳрамонликларини кўп марта кўздан кечирган эдим. Аммо Зиганшин, Поплавский, Крючковский ва Федотов ўртоқларининг саботматонатига жуда ҳам қойил қолдим. Уларнинг қаҳрамонлиги ва руҳий кучи чексиздир. Улар шонли Коммунистик партиямиз, комсомолимиз тарбиялаб етиштирган совет кишиларининг юксак маънавий-сиёсий ҳислатларини яна бир марта кўрсатдилар.

Москваликлар тўрт ёш қаҳрамон тўғрисида ифтихор билан гапирмоқдалар.

Красний холм камвол комбинати йигирув цехи коммунистик меҳнат коллективининг бригадири А. Круглова бундай деди:

— Азамат солдатлар! Бутун совет халқи сизларга қойилдир. Сизларнинг юртимизга қайтиб келишингизни сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

Тўрт совет қаҳрамони оғир машаққатлардан кейин АҚШ тупроғида самимий кутиб олинди. Совет кишилари бу нарсани Америка билан Совет Иттифоқи ўртасида ривожланиб бораётган дўстликнинг ифодаси деб биладилар. Совет кишиларимизга ёрдам қўлини узатган америка маъмурлари ва денгизчиларига катта раҳмат. Бу — амалдаги дўстликнинг худди ўзгинаси, дейдилар москваликлар. (ТАСС).

„Чин қалбимиздан ташаккур айтамиз...“

НЬЮ-ЙОРК, 17 март. ТАСС мухбири В. Богачев хабар беради: Никита Сергеевич Хрушчевнинг табрик телеграммаси Тинч океанда ниҳоятда оғир шароитларда қаҳрамонона дрейф қилган тўрт совет жангчисини астойдил тўлқинлантириб юборди.

— Кеча кечқурун биз Сан-Франциско шаҳри бўйлаб қилган сафаримиздан қайтиб келдик,— деди А. Зиганшин ТАСС мухбирига телефон орқали,— шунда бизга катта телеграммани топширишди. Бизни Никита Сергеевич Хрушчев табриклаётганлигини билганимизда қалбларимизда пайдо бўлган тўлқинланиш туйғуларини тасвирлаш қийин. Самимий табрик сўзлари учун, оталарча ғамхўрлик учун Никита Сергеевич Хрушчевга чин қалбимиздан ташаккур айтамиз.

— Ростини айтганда, — деди А. Крючковский,— бизнинг хатти-ҳаракатимизга бунчалик юксак баҳо берилишини кутмаган эдик. Биз ўзимизнинг оддий ҳарбий бурчимизни адо этдик, деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир совет жангчиси ҳам бизнинг ўрнимизда бўлганида худди ана шундай қилган бўлар эди. Никита Сергеевичга бизнинг каттакон ташаккуримизни етказингиз.

— Никита Сергеевичнинг, самимий сўзларини кайта-кайта ўқир эканмиз,— деди Иван Федотов,— биз билан гўё улуг Ватанимиз гаплашаётгандай туюлмоқда. Эътибор ва ғамхўрлик учун Никита Сергеевичга жуда катта раҳмат.

— Никита Сергеевич Хрушчевнинг телеграммаси бизга шу қадар кўп куч-қувват бердики, — дейди Ф. Поплавский,— ҳеч қандай очлик ҳам, чанқов ҳам, машаққатлар ҳам бўлмагандай туюлмоқда. Биз Никита Сергеевич Хрушчевнинг самимий, оталарча табрикларини бутун умримиз бўйи эсимиздан чиқармаймиз. Биз мағрур ва бахтиёрмиз.

Ҳозирдаёқ тилларда достон бўлиб қолган Тинч океан дрейфининг тўрт қаҳрамони, «дўстлик калигларини» ўз қўлларида сақлаб келаётган тўрт совет жангчиси бугун Сан-Францикони тамоша қилдилар. Сан-Франциско шаҳрининг ана шу калидларини уларга шаҳар мэри Ж. Кристофер топширди. Ж. Кристофер жаноблари Сан-Франциско мэрхонасида совет йигитларини самимият ва хурсандчилик билан қабул қилган эди. Ана шу қабул маросимининг самимияти америкаликларнинг совет кишиларига бўлган дўстлик туйғуларини ўзида акс эттирди. Тўрт қаҳрамон жангчи қаерга бормасин, улар дўстона самимият билан кутиб олинмоқдалар.

«Шаҳар калидларининг» топширилиши жуда таъсирли ва ёқимли вазиятда ўтди. Калидларни топшириш маросими нуқул символик тарзда бўлди. Америкаликларнинг қалблари, уларнинг дўстлик туйғулари бирор калидсиз ҳам очилмоқда. Ёш совет кишиларини улар ёқимли, дўстлик табассумлари билан кутиб олмоқдалар. Оғир синовлардан кейин ўзларини ҳали бутунлай ростлаб ололмаган, аммо шунга қарамай, шодҳуррам, бардам ва тетик бўлган совет кишилари ҳам уларга худди шу билан жавоб бермоқдалар.

Совет кишилари Ватанимизга ўз оилалари, дўстлари, барча совет кишилари олдиларига тезроқ қайтиш иштиёқи билан яшамоқдалар. Совет кишилари уларнинг қаҳрамонона ишлари ҳақидаги хабарни ғоят зўр самимият билан кутиб олдилар. Ёш қаҳрамонлар бугун Москва вақти билан соат 19 дан 30 минут ўтганда самолётда Нью-Йоркка жўнаб кетадилар.

Кеча, А. Зиганшин, Ф. Поплавский, А. Крючковский, И. Федотов шаҳар бўйлаб яна сайр қилар эканлар, улар Сан-Францискодаги «Телеграф хилл»да жойлашган «Койт тауэр» минорасига чиқдилар. Шу ердан Олтин дарвозалар ва Сан-Франциско бухтасининг кенг манзараси кўзга намоён бўлади. Шу вақтда «Кирсарж» авианоси бухтадан чиқиб, Жанубий Калифорнияга йўл олар эди. Совет йигитлари ўзларини қутқазиб қолган ана шу кемани самимият билан кузатиб қолдилар.

Оддий совет йигитлари бу ерда, Америкада ўзларига зўр эътибор кўрсатилаётганлигидан хижолат сезмоқдалар. Улар ўзларини бунчалик диққатга сазовор иш қилмаган, деб ҳисобламоқдалар. Улар «оддий, совет» кишилари-ку, ахир, Америкаликларнинг эътиборларини жалб қилаётган нарса ҳам ана шудир, яъни совет кишиларининг зўр матонати, мисли сиз жасоратидир. Уларни бундай жасорат қилишга қандайдир махсус чоралар ёки машқлар эмас, балки бутун совет уклади, бутун совет турмуши тайёрлади.

Бугун бу ерда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг АҚШ президенти Д. Эйзенхауэрга юборган табрикномаси олинди. Табрикномада кўп кунлар давомида Тинч океан бағрида табиий офат ва кулфатлар билан мардонавор курашган тўрт жасур совет солдати қутқариб қолинганлиги учун астойдил миннатдорчилик билдирилади.

Ана шу муносабат билан бу ерда Американинг «Кирсарж» авианоси денгизчилари яна бир марта эсга олинмоқда. Америка денгизчилари денгизда бирбирларига ёрдам бериш ва традицион дўстлик туйғуларини кўрсатиб, олижаноб иш қилдилар. Кема командири Л. Р. Таунсенд, қутқариб қолинган Совет солдатларига медицина жиҳатидан жуда яхши ёрдам берган америка авианосининг бош врачи Фредерик Бервик, сузиб бораётган баожани кўриб қолган авианос самолётларининг учувчилари, ҳалокатга дуч келган совет йигитларини махсус мосламалар ёрдами билан баржадан олиб чиққан вертолётларнинг моҳир учувчилари, кеманинг бутун шахсий состави — уларнинг ҳаммаси совет кишиларининг ташаккурига мушарраф бўлдилар.

ҚАҲРАМОН СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИ НЬЮ-ЙОРККА КЕЛДИЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 18 март. (ТАСС). Тинч океанда 49 кун сузиб юриш вақтида ғоят зўр мардлик, матонат ва қаҳрамонлик кўрсатган совет ҳарбий хизматчилари А. Р. Зиганшин, Ф. Г. Поплавский, А. Ф. Крючковский ва И. Е. Федотов кеча кечқурун самолётда Сан-Францискодан Нью-Йоркка келдилар.

ҚАҲРАМОННИНГ ЮРТИДА

Турбов посёлкаси (Винница области), 17 март. (ТАСС). Посёлканинг бутун аҳолиси ўз ҳамкишлоқлари Анатолий Крючковскийнинг мисли сиз қаҳрамонлиги ҳақидаги хабарни жуда катта ҳурсандчилик ҳис туйғулари билан эшитдилар. Анатолий Крючковский ўзининг уч ўртоғи билан биргаликда стихияга қарши кўп кунлик курашда голиб чиқди.

Шу кунларда Анатолийнинг онаси Анна Федоровна Крючковская уйининг эшиклари доим очиқ турибди. Ўғлининг қаҳрамонона ишлари билан табрикламоқ учун бу ерга Анна Федоровна ишлаб турган лавлагикор совхоздан, Совет Армиясига чақирилмасдан олдин Анатолий ишлаган қанд заводидан ишчилар келиб турибдилар.

Анна Федоровна оналик гурури ҳиссиёти билан ўз ўғли ҳақида ҳикоя қилади.

Анатолий қанд заводида слесарь бўлиб ишлар экан, жамоат ишларида актив қатнашганлиги ва юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун кўп марта ташаккур олган.

Крючковскийнинг қариндош-уруғлари ва ҳамкишлоқлари ўзини ўз юртига қайтишини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Совет кишисига хос фазилат

Шу кунларда бутун жаҳон халқини ажойиб бир воқеа қизиқтирмоқда. У ҳам бўлса Ватанимизнинг тўрт довюрак фарзанди, младший сержант Асҳат Зиганшин, оддий солдатлар Филипп Поплавский, Анатолий Крючковский, Иван Федотовларнинг очиқ океанда бир кам эллик кун табиат офати, очлик ва сувсизлик билан курашда мардонавор голиб чиққанликларидир!

Даставвал бу хабарни радиодан эшитганимизда жуда ҳаяжонландик. Энди эса ана шу тўрт азаматнинг ўлим билан курашиб, бошларидан кечирган қийинчиликларини, улар кўрсатган жасорат ва мардонавор ликларини газеталардан ўқиб қойил қолдик. Бундай қаҳрамонлик, мардлик фазилатлари фақат совет кишиларига хосдир. Бутун совет халқи каби биз ҳам улар билан фахрланамиз.

Совхозимизнинг коллективи америкалик денгизчиларнинг совет солдатларига кўрсатган ёрдамини, одамгарчиликнинг ёркин намунаси, мамлакатларимиз халқи ўртасидаги дўстликнинг ифодаси деб айтмоқдалар. Биз бу олижаноблик учун Америка халқига, ҳукуматига ва Ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондонлигига миннатдорчилик билдирамиз. Айни вақтда қаҳрамон совет фарзандларининг жонажон Ватанимиз қучоғига тезроқ қайтиб келишларини интизорлик билан кутмоқдамиз.

Шарофат БОЗОРОВА,
Янгиер шаҳридаги 1-«Боёвут» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЙИГИТЛИК ЧИРОЙИ

Океан ларзада,
Баржа чайқалар...
Кўкда чуғирлашар
Оқ тўш чайқалар.
Ичишга қултум сув,
На емоққа нон...
Ҳаммаси тугади.
Сузар тўрт ўғлон.
Бошларида фақат ягона фикр:
Она-Ватан учун садоқат, меҳр.
Олса ҳам тўлқинлар даҳшат бағрига,
Иўқ, тортолмади океан қаърига.
Шарафланди ёшлик, матонат, туйғу,
Йигитлик шаънига чирой бўлди бу!

Қ. МУҲАММАДЖОН.

ОФАРИН!

Младший сержант Асҳат Зиганшин бошлиқ тўрт совет солдатининг Тинч океаннинг даҳшатли тўлқинларига бардош бериб кўрсатган афсонавий қаҳрамонлиги бутун дунё халқларини қойил қолдирмоқда. Қойил қолмай бўладими, ахир.

Жасоратли тўрт совет жангчисининг бошдан кечирганлари оддий саргузашт бўлмай, ҳақиқий қаҳрамонликдир. Улар ўзларининг мисли сиз қаҳрамонликлари билан совет жангчиларининг жаҳонда энг мардонавор, сабот ва матонатли, келажакка ишонч кўзи билан боқувчи кишилар эканлигини намойиш қилиб кўрсатдилар.

Америкалик денгизчиларнинг жасур жангчиларимизга ўз вақтида кўрсатган ёрдами инсонпарварликнинг ажойиб намунаси, америка ва совет халқлари ўртасидаги қадимий дўстликнинг ёркин ифодасидир.

Қаҳрамонларимизнинг мардлиги ва жасурлигига тақсин ўқиётган корхонамиз ишчилари ва инженер-техник ходимлари уларнинг яқин кунларда сиҳат-саломат жонажон Ватанимизга қайтиб келишларини орзиқиб кутаяптилар.

Ҳ. ИСҲОҚОВ.
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилади:

Чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришган ва давлатга гўшт сотиш юзасидан олинган мажбуриятнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлаган колхозлар, совхозлар ва районларга топшириш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қизил байроғи таъсис этилсин.

Тошкентда Ленин кечалари

Тошкент шаҳар партия комитети ва сиёсий ҳамда илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг шаҳар бўлими ўтказаётган Ленин кечалари Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларини ғоят қизиқтирмоқда. 17 март кечқурун Тошкентдаги Округ офицерлар уйининг зали ишчилар, хизматчилар, фан ва маданият арбоблари, студентлар билан тўлди. Бу ерда Ленинга бағишланган тўртинчи кеча бўлиб ўтди. Кеча «СССР да социалистик миллатларнинг равнақи — ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» деган темага бағишланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева лекция ўқиди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Г. О. Мавлонов ленинча миллий сиёсат қардош республикаларда фаннинг ҳамма соҳаларини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар очиб берганлигини Ўзбекистон геолог олимлари эришган муваффақиятларнинг конкрет мисолида яққол кўрсатиб берди.

Шу ерда ҳозир бўлган кишиларга концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).



Областимизнинг барча меҳнаткашлари довюрак тўрт совет жангчисининг тенгсиз қаҳрамонлиги ва журъатига қойил қолмоқда. Суратда: «Ташхлопкомаш» заводи механика цехининг бир группа ишчилари газета саҳифасида ана шу шонли қаҳрамонлик тўғрисида босилган хабарни зўр қизиқиш билан тинглаётирлар. Мақолани участка мастери ўртоқ О. Анисимов ўқиб бераётир.
В. Салов фотоси.

СОВХОЗЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ

Областимизнинг совхозлари сут етиштиришни кўпайтириш учун бошланган социалистик мусобақада актив қатнашиб, шу йилнинг 15 мартида давлатга сут сотиш квартал планини бажардилар. Ҳаммаси бўлиб 32741 центнер ёки пландагидан салкам 1000 центнер ортиқ сут сотилди.


Область совхозларининг коллективлари сигирлардан сут соғиб олишни кун сайин кўпайтирмоқдалар. Улар бу йил областимизда 50 минг тонна сут етиштириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун курашиб, март ойининг охиригача давлатга яна 4 минг центнердан ортиқроқ сут сотишга қарор қилдилар.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ОЛТИ БАРАВАР АРЗОНЛАШДИ

Бизда юмшоқ мебеллар учун ишлатиладиган пружина 8 тийинга тушар эди. Пружина тайёрлайдиган станок унумсиз бўлиб, уни икки ишчи қўл кучи билан айлантирар, смена давомида атиги 300—350 дона пружина тайёрланар эди. Сифати ҳам унча яхши бўлмай, кўпинча харидорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўларди.

Балки сиз биринчи қарашда 8 тийин нима деган гап, бир дона пружина тайёрлаш учун 8 тийин сарфланди-ю, 10 тийин сарфланди, шунга ҳам ота-гўри-қозихонами, дейишингиз мумкин. Бироқ фабрикамизда йил давомида қанча юмшоқ мебель тайёрланиши ва ҳар бир юмшоқ мебель учун қанчадан пружина ишлатилишини ҳисоблаб чиқсангиз, ишлаб чиқаришда тийинларни иқтисод қилиш — ўн минг сўмлаб маблағни тежаб қолиш эканлигига қаноат ҳосил қиласиз.



Суратда: рационализатор Наум Хибник ўзи автоматлаштирган станок ёнида.

В. Салов фотоси.

Фабрикамизнинг кекса слесари ўртоқ Наум Хибник ана шу каммаҳсул станокни автоматлаштириш тўғрисида ўйлай бошлади. Ижодкор слесарнинг меҳнати бекор кетмади. Станок автоматлаштирилиб, унинг унумдорлиги 12,5 баравар оширилди.

Эндиликда автомат станокни икки ишчи ўрнига битта ишчи бошқариб, смена давомида 5 минг дона ва ундан ҳам ортиқ пружина тайёрлаб бераётир. Кекса слесарь таклифи амалга оширилгач, пружина таннархи 6 баравар арзонлашди. Бу, корхона оладиган йиллик фойда 145-150 минг сўмга кўпайди, деган сўздир.

Ўртоқ Наум Хибник етти йилликнинг иккинчи йилида ҳам ижодий изланишни давом эттирмоқда. Шу кунларда у смена топшириқларини ошириб бажариши билан бир қаторда юмалоқ стол гардиши тайёрланадиган станокни автоматлаштириш устида ҳам самарали иш олиб бормоқда. Бу станок автоматлаштирилгач, юмалоқ стол ишлаб чиқариш ҳозиргига нисбатан 10 баравар кўпайиб, таннархи эса 7-8 баравар арзонлашади.

— Менинг янги таклифим,— дейди ижодкор слесарь,— инсоният доҳийси В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги шарафига меҳнат тортиғимдир.

Т. НАЖМИЙ,
Тошкентдаги 3-мебель фабрикасининг хизматчиси.

ҲАМКОРЛИК

Тоир Холиқов бошчилигидаги бригаданинг барча аъзолари бугун ғоят шод. Уларга коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. Коллектив бу муваффақиятга фидокорона меҳнат ва ижодий ташаббускорлик натижасида эришди. То шу шодиёна кунга етгунча қанчадан-қанча қийинчиликларни енгишга, қатор нуқсонларни бартараф этишга тўғри келди.

Илгари баъзи кам-кўстларнинг борлиги агрегатларнинг тез-тез бузилиб, тўхтаб қолишига сабаб бўларди. Смена топшириқлари бажарилмасди. Бригада бошлиғи Холиқов ўз касбдошлари Ермолаев, Розиқов ва Першин ўртоқлар билан биргаликда агрегатларни диққат билан кўздан кечириб, ишга нима ҳалақит бераётганлигини обдан аниқлади, ускуналарни пухта парвариш қилишга ва уларнинг иш унумдорлигини оширишга киришди. Бригада аъзолари илғорлар тажрибасини ўзлаштирдилар, иш вақтида рўй берадиган камчиликларни бартараф этиш учун майда деталлар запаси ҳозирлаб қўйилди. Буларнинг ҳаммаси яхши натижа берди: бир йилдан буён ўртоқ Холиқов бригадасининг агрегатлари илгаригига қараганда 15—20 процент унумлироқ ишламоқда.

Бундан бир неча ой олдин агрегатларни заправка қилишга кўп вақт сарфланарди. Ўртоқ Холиқов меҳнатни тўғри ташкил қилиб, бу нуқсонни ҳам тугатди. Шунингдек, у кабелни тузатиш усулини мукаммаллаштириб, ўз бригадасида брак маҳсулот чиқаришни батамом тугатишга, кўплаб вақт ва маблағ тежашга муваффақ бўлди. Айни шу пайтда Панасюк ва Правдюк ўртоқлар бошчилигидаги бригадалар кабел тузатишда анча қийналардилар. Тоир Холиқов бу бригадаларга ўз иш усулини ўргатди. Эндиликда ғоят қимматли бўлган кабелнинг бир қаричи ҳам бракка чиқмайдиган бўлди.

Мусобақадошлар ҳам «қарздор» бўлиб қолмадилар. Ўртоқ Панасюк раҳбарлигидаги бригада аъзолари Холиқовнинг бригадасида мис симнинг нормадагига нисбатан бирмунча кўп сарфланаётганини билиб, касбдошларига кўмаклашдилар, уларга тежамли усулни кўрсатиб бердилар.

Ҳозир «Ташкенткабель» заводининг фахри бўлган Тоир Холиқов бошлиқ бригада иш суръатини юксалтириб маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилдагига қараганда бир ярим баравар кўпайтирди. Пешқадам коллектив бунинг билан қаноатланиб қолмай, ютуқларни тобора мустаҳкамламоқда. Ленин вахтасида туриб ишлаётган бу азаматлар яқинда ўз имкониятларини ҳисобга олиб, етти йиллик топшириқни беш йилда бажариш ҳақида социалистик мажбурият олдилар.

Ф. УРКУМБОЕВ.

Ёқилғи кўпайсин деб...

Йил бошидан буён пландан ташқари 25 эшелон кўмир қазиб чиқарган Оҳангарон кончилари шу кунларда янада зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун меҳнат вахтасида туриб ишлаётган 9-шахта коллективи деярлик ҳар куни топшириқни ошириб бажараётир. Навалоотбойчилардан Ҳамидуллин, Эргашев, Парпиев, Юсупов ва Загорский ўртоқлар кунига белгилангандан 2,5-3 тонна кўп кўмир қазиб чиқараётирлар.

Шахтада янги 319-лава муддатидан олдин фойдаланишга топширилди.

Ф. ПЕТРОВ.

Монтажчилар вахтада

Етти йилликнинг йирик қурилишларидан ҳисобланган Олмалиқ шаҳридаги мис-саралаш фабрикаси асосий корпуси қурилишида ишлаётган ўртоқ Д. Чиглинцев бошлиқ баландликда ишловчи монтажчилар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кун шарафига меҳнат вахтаси ташкил қилдилар.

Ўтган ой топшириғини 68 процент ошириб бажарган бинокорлар квартал планини ҳам муддатидан олдин бажариш учун барча кучларини сафарбар қилаётирлар. Баландликда ишловчи монтажчилардан Евгений Смирнов, Борис Боков, Леонид Фролов, Виктор Лобанов ва бошқалар аҳиллик билан ишлаб, смена топшириқларини доимо ошириб бажармоқдалар.

Э. МЕЛИКСЕТОВ.



Комсомол аъзоси Лилия Тожиеванинг ўрта мактабни тугаллаб Тошкент кимё-фармацевтика заводига ишга келганига кўп бўлгани йўқ. Лекин у шу оз вақт ичида тайёр маҳсулотни қадоқлаш процессини мукаммал ўрганиб олди. Суратда: ўртоқ Л. Тожиева.

О. Косирев фотоси.

Завод коллективининг муваффақияти

Тошкент иқтисодий районига қарашли машинасозлик индустриясининг энг ёш корхонаси— Ўзбекистон трактор йиғиш заводининг коллективи: етти йилликнинг иккинчи йилида мамлакат пахтакорларига йиллик программадан ташқари юзлаб трактор берамиз! деган шиор остида ишламоқда.

Трактор йиғувчилар В. И. Ленин туғилган куннинг 90 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб: ҳамма цех ва участкаларнинг бир меёрда ишлашини ташкил қилиш учун мусобақани қизитиб юбордилар. Мусобақада дастлабки муваффақиятлар қўлга киритилди. Февраль ойида ойлик программадан ташқари пахтачилик учун мосланган бир қанча тракторлар йиғилди.

Завод кун сайин суръатга суръат қўшмоқда. Шестерняларни механик усулда ишлайдиган участка кейинги вақтларгача «кимтик жой» деб ҳисобланар эди. Новаторларнинг ташаббуси билан унинг технологиясига қўшимча равишда иккита токарь ва иккита револьвер станоклари қўшилди. Инструментал цехида махсус қирқиш асбобларини тайёрлаш йўлга солинди. Участкани металл билан таъминлаш яхшиланди. Бунинг натижасида тракторларга шестернялар тайёрлаб бериш февраль ойидаги даражага нисбатан икки баравар кўпайди.

САДОҚАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

<>

Ижодий меҳнат кишиларимизнинг ўз постларида фидокорона хизмат қилаётганликлари, ўз бурчларига садоқат билан қараётганликлари туфайли эл орасида катта ҳурмат ва обрў орттираётганликлари ҳақида редакциямизга кўплаб хат-хабарлар келиб туради.

«Сўзининг ўзи ҳам шифо» сарлавҳа қўйиб, хат юборган ҳаваскор мухбир **О. Шорасулов** Оржоникидзе районидаги Чинобод касалхонасининг бош врачи ўртоқ Орифжон Азизхўжаев ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Азизхўжаев камтар, хуш муомала ва меҳрибон врачлардан. У беморнинг диагнозини аниқлашга жиддий эътибор беради. У қўйган диагноз доим тўғри чиқади».

Гулистон районидаги «Красний восток», «Красная заря» ва Ленин номли колхозларнинг аъзолари орасида эътибор қозонган фельдшер Пўлат Саримсоқовнинг намунали хизматлари ҳақида газетхон **Қ. Мусомуродов** миннатдорлик билдириб мақола ёзган. Кишилар саломатлигини сақлашда ана шундай садоқат билан меҳнат қилаётган медицина ходимларидан М. Собирова, Н. Раҳимов, А. С. Степанова, С. Миробидов, М. Тешабоев, Ш. Абдунабиева, Ҳ. Одилов, Н. Д. Романцова ва О. Мавлонов ўртоқларнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳаваскор мухбирларимиздан **Ғ. Абдуллаев, В. Акбаров, А. Иноғомов, Р. Тиллаев, Қ. Тўлибоев, А. Далимов, Б. Мирзааҳмедов, Т. Имомов, Й. Ўринбоев, Т. Маматов** ўртоқлар ёзиб юборганлар.

Ёш бўғинни тарбиялашда, уларнинг ҳар томонлама пухта билим олишида совет тарбиячилари, ўқитувчи, педагогларимизнинг роли каттадир. Областимиз шаҳар ва қишлоқларидаги қайси бир мактабга кирманг, у ерда тарбиячиликда катта тажриба орттирган, педагоглик соҳасида 20 — 30 йиллаб хизмат қилаётган ҳурматли устозларни учратасиз. Уларнинг олижаноб хизматлари ҳақида ҳам кўплаб хатлар олиб турамиз.

— Калинин районидаги 11-мактаб ўқитувчиси Қосим Зокировни районда танимайдиган киши йўқ, — деб ёзади газетхон **Т. Файзиев**, — 22 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган бу тарбиячи район аҳолиси орасида катта ҳурмат орттирган. Қосим ака ҳаммавақт дарсга пухта тайёргарлик кўриб киради, дарсларни кўргазмали қуроллар билан олиб боради. Қосим ака ўқитаётган синфда ўзлаштириш доимо юқори бўлади, ўқувчилар тўла-тўкис синфдан-синфга кўчади. Қосим аканинг ютуқларидан яна бири шуки, у синфда кўчма қизил байроқча ташкил қилган. Қайси звено аъзолари уй ишини пухта тайёрлаб келса, синфда ўзини доим яхши тутса, дарсларни пухта ўзлаштирса, байроқча ўша звенога берилади.

Юқори Чирчиқ районидаги Киров номли мактабнинг кекса ўқитувчиси Ёрмекбоев, Бўстонлиқ районидаги Киров номли мактабнинг ҳурматли педагоги Н. Трусова, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг рус тили ўқитувчиси М. Муҳамедова ўртоқлар ўқитувчилик соҳасида узоқ йиллардан бери садоқат билан хизмат қилиб келаётирлар. Улар етиштирган минглаб кадрлар коммунистик қурилишимизнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Бу ўқитувчиларнинг ибратли хизматлари ҳақида **Э. Туркменов, О. Ғаниев, Ж. Тўқсонбоев** ўртоқлар ўз фикрларини ёзиб юборганлар.

Почтальонларнинг хизмати ҳам диққатга сазовордир. Редакцияга келаётган хабарлар орасида алоқа бўлимларида сидқидиллик билан ишлаётган ишчан почтальонларимизнинг аҳолига яхши хизмат кўрсатаётганликлари ҳақида ёзилган хатларни ҳам ўқийсиз.

«Оққўрғон районидаги «Октябрь» алоқа бўлимининг ходимлари оборот планини доимо ошириб бажарадилар. 14 йилдан бери почтальонлик вазифасида узлуксиз хизмат қилиб келаётган 65 ёшли Абдулла ота Маматқулов бўлимнинг ишчан ходимларидан биридир. У райондаги энг йирик Карл Маркс номли колхоз аъзоларига хизмат қилади. Абдулла ота ҳар бир хатни, газета ва журналларни эга-эгасига ўз вақтида етказади. Телеграмма ва бошқа зарур нарсаларни эса тунни-тун демай элтиб беради. У колхозда яшовчиларнинг ҳаммасини беш бармоғидай билади». Бу хабарни шу колхоз аъзоси **Т. Мамбетов** ёзиб юборган.

Ҳаваскор мухбирларимиздан **С. Мирзалиев, О. Эшонқулов, А. Мавлонов** ўртоқлар «Ишчан почтальон», «Кекса почтальон Каримбой ота», «Колхозимиз почтальонидан миннатдормиз» сарлавҳали хатларида ўз бурчларини садоқат билан бажараётган алоқачилар ҳақида ёзсалар, **Қ. Қаҳҳоров, Ф. Рашидов, П. Раҳимов** ўртоқлар Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли ва Гулистон районидаги «Ленинград» колхозларининг сартарошлари Турсунхўжа ака билан Ҳакимжон Саидқулов ўртоқларнинг ўз ишига моҳирлиги, ҳар қайсиси 2 — 3 тадан шогирд етиштираётганликлари ҳақида хабар қиладилар.

Хуш муомала, софдил, кондукторларимизнинг мақтовга сазовор хизматлари ҳақида ҳам мактублар олиб турилади. Газетхон **Э. Қамбаров** кондуктор Ҳайри Саъдуллаеванинг бир неча йиллардан бери сидқидиллик билан хизмат қилиб келаётганлиги ҳақида хабар юборган.

Меҳнатсевар совет кишиларининг фазилатларини таъриф ва тавсиф қилувчи хат-хабарларни ўқиб қувонасан, киши.

Аммо ҳали орамизда илғор ходимларимизга эргашиш, улардан ибрат олиб ишлаш ўрнига ўз вазифаларига совуққонлик билан қараётган айрим кишилар ҳам йўқ эмас.

Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла қишлоқ касалхонасининг хирурги ўртоқ **Б. Искандаров** район касалхонасининг врачлари Т. Иноғомов, Х. Ҳаитбоев ўртоқларнинг беморларга яхши қарамаётганликлари ҳақида шикоят қилади.

— Айрим вақтда беморнинг диагнозини аниқлашда улардан ёрдам сўрашга тўғри келади, — деб ёзади автор. — Бундай пайтларда район касалхонасининг врачлари тезда ёрдам бермайдилар.

Шунингдек, Қуйи Чирчиқ районидаги медицина муассасалари иши тўғрисида мақола ёзган **Қ. Першеев** райондаги айрим касалхона ва соғломлаштириш пунктларида ўз ишига масъулиятсизлик билан қараётган баъзи бепарво врачлар, медицина ҳамшираларининг ишидан аҳоли ранжиётганлиги тўғрисида далиллар келтиради.

— «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 1, 2-бўлимларидаги медицина пунктларининг фельдшерлари Тоиров, Тин, Ким ўртоқлар ўз ишларига бепарво қараётирлар, — деб ёзади автор. — Улар ишлаётган пунктлар медицина талабларига мутлақо жавоб бермайди. Райондаги марказий касалхонада, Тошовул қишлоқ касалхонасида ҳам аҳвол яхши эмас, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмайди. Район касалхонасининг бош врачи Аюпова, унинг ўринбосари Саян ўртоқлар камчиликларни бартараф қилишга эътибор бермайдилар.

Сирдарё район Верхне-волинск маданият уйининг директори М. Бакрадзе номигагина директор. Унинг маданият уйига онда-сонда бир келиши, маданият уйидаги ишларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, тўгаракларнинг ишламаётганлиги газетхон **Т. Солиев** хатида танқид қилинади.

Ўз ишларига бу қадар совуққонлик билан қараётган кишилар тартибга чақирилиши лозим. Ҳар бир ходим мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш учун курашиши, коммунизм учун актив курашчиларнинг олдинги сафидан ўрин олишга интилиши керак.

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ

ИСТЕЪДОДЛИ ГЕОЛОГ

Ўрта Осиё шароитида катта биноларнинг лойиҳасини тузишдан олдин ернинг аҳволи, тупроғининг таркиби ҳар томонлама чуқур ўрганилади. Баъзи жойлардаги тупроқ намни шимувчан бўлганлигидан катта бино қуриш мумкин эмас. Ана шу масала архитекторларни ҳам, геологларни ҳам, тупроқшуносларни ҳам қизиқтириб келар эди.

Жумладан, 1929 йилда Ўрта Осиё Давлат университетини битириб чиққан ёш гидрогеолог Филипп Иванович Воронов ҳам шу масала билан ўн йил шуғулланди. Ана шу ўн йил давомидаги тадқиқотлари натижасида «Ўрта Осиё сариғ тупроқли районларида иншоотлар қуришнинг баъзи бир масалалари» деган темада диссертация ёқлаб, геология-минералогия фанлари кандидати деган илмий унвон олди. У жуда кўп илмий экспедицияларда қатнашиб, Ўзбекистоннинг бир қанча районларидаги тупроқларнинг таркибини чуқур текшириб чиқди ва тупроқнинг структурасини яхшилаш йўлларини топди. Инженер-геолог Воронов таклиф қилган ҳисобларга мувофиқ энди сариғ тупроқли жойларда ҳам катта иморатларни бемалол қуриш мумкин. Ҳозир олим ана шу темадаги илмий тадқиқотларни давом эттириб, докторлик диссертацияси устида самарали ишлар олиб бормоқда.

Истеъдодли олим ўзининг бой тажрибасини, билимини, кўп йиллик тадқиқотлари натижасида чиқарган хулосаларини Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари институти студентларига қунт ва сабот билан ўргатмоқда. У геолог кадрлар етиштиришдек шарафли ишга ўз ҳиссасини қўшган. Филипп Иванович институтда студентлар илмий жамияти ишларида ҳам актив қатнашиб, ёшларни тадқиқотчилик ишларига кенг жалб қилишга ҳаракат қилмоқда. Институт жамоатчилиги яқинда бу олимнинг туғилганига 60 йил тўлишини нишонлади.

М. СУЛТОНОВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бузилмас пойдеворлар

(ОЧЕРК)

Бугун тўртинчи кун. Бекободдан бошланган аччиқ изғирин, баданларни чимдилаб олувчи кучли шамол тингани йўқ. Унинг кучли эпкинида яқиндагина ўтқазилган ниҳолларнинг шохлари қуйи эгилиб, ер билан ўпишади. Яқин ўртадаги биноларнинг томларидан тарақ-гуруқ этган, кишининг ғашини келтирувчи товушлар шамол ҳуштагига эш бўлади. Ҳа, Бекобод шамоли шунақа, бўш келсанг одамни ҳам учириб кетгудай. Ҳаво ана шунақа айниб турган бўлса ҳам, осмон гумбазини қопқора булутлар қоплаб, ерга совуқ томчилар ташлаётган бўлса ҳам хув анави қурилишда иш қизғин. У ердаги кишилар ўзларининг кучли иродалари билан табиатнинг ўжарлигини енгишга қодир. Кимдир цемент қораяпти, кимдир катта белкуракни сартарошнинг устарасидай енгил ўйнатиб шағал тўкаяпти. Юк машиналарининг кети узилмайди. Азамат шоферлар шу пойдеворчиларга нимаики лозим бўлса ҳаммасини етказиб бериб турибди.

Кишиларнинг руҳи тетик. Чарчаш нималигини унутиб қўйишган чамаси. Ҳа, йигитлар ўрганиб қолишган-да. Улар Янгиер шаҳрига биринчи ғишт қўйилган кундан бошлаб шу ернинг сувини ичиб, тузини тотишаяпти. Эҳ-ҳе, дастлабки кезлардаги қийинчиликлар, сувсизлик бошпанасизлик. Мана шуларнинг ҳаммасини бошидан кечирган йигитлар эртаги куннинг истиқболини, ўз кучлари, меҳнатлари сингаётган, манглай тери тўкилаётган шу ерлар яқин ўртада боғу-бўстонларга, файзли обод шаҳарга айланишини, орзу-умидлари рўёбга чиқишини яхши билар эдилар. Мана энди ўз кўзлари билан кўриб туришибди. Қадим бийдай чўлда, кексаларнинг таъбири билан айтганда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган сувсиз саҳрода ажойиб шаҳар бутун салобати билан қад кўтариб турибди. Бу шаҳарда бирорта бино йўқки, унинг пойдеворига шу йигитларнинг қўллари тегмаган бўлса. Мана шу туйғу йигитларга завқ бағишлайди, қор-ёмғирларни ҳам, кучли бўронларни ҳам енгиб, олға қадам ташлашга битмас-туганмас куч бағишлайди.

Ҳасан ака мана шу йигитлар билан ишлайди. Унинг оёғида керзовой этик, эгнида калта пўстин, бошида қулоқчину, кўз ойнак тақиб олган. У йигитлар бажараётган ишларнинг сифатини кўздан кечиради. Ўзи ҳам сира тиниб-тинчимайдиган одам. Ҳали цемент қораётганларга кўмаклашади, ҳали шағал ташийди, ҳали пойдеворни шиббалайди. Унинг қалбида ягона мақсад бор: шу пойдеворни тезроқ битказа қолишса, шу ерда яна бир ҳашаматли бино қад кўтарса, Янгиер шаҳрининг ҳуснига ҳусн қўшилса..

Иш қош қорайгунча қизғин давом этди. Йигитларнинг ҳали янги пойдевор яқинидан силжигилари йўқ. Лекин ёмғирдан кейинги шиддатли қор-бўрони бунга имконият бермади. Шунда Ҳасан ака йигитларга қараб:

— Қани Халимбой, Убайдулла, бас энди, қайтайлик. Ҳаво юришиб кетса чаласини эртага битказамиз, — деди.

— Қолган ишга қор ёғар деганларидай, пойдеворимиз тепасини қор босиб қолмасачи?

— Бе, — гапга Убайдулла аралашди, — агар шу бўрон эртага ҳам давом этадиган бўлса, бу қорингнинг учқунини ҳам қолдирмай учириб кетади.

Йигитлар уйларига қайтар эканлар, эртаги куннинг режалари ҳақида, Янгиерга келишган дастлабки кунларидаги қийинчиликлар ҳақида ва ниҳоят ўзлари пойдеворини кўтарган катта-кичик бинолар ҳақида суҳбат бошладилар.

— Шу пойдеворни қуриб бўлсак, — Ҳасан акадан сўради Холимбой, — қанча бинонинг пойдеворини қурган бўламиз?

— Э, ука, ҳисобдан адашиб кетдим, — Ҳасан ака кулиб жавоб бера бошлади, — Янгиерга келганимизга ҳам хаш-паш дегунча, тўрт йил бўлибди. Мана шу тўрт йил ичида қанча бино қад кўтарган бўлса, шунга пойдевор қурдик-да, ука, буёғини ўзинг ҳисоблаб олавер.

— Холимбойга яхши гап айтдингиз, — гапга Убайдулла аралашди, — энди у эртага қалам-дафтар олиб, ҳисоб-китоб қиламан деб бутун бошлик шаҳарни айланмаса деб турибман.

Ўртада кулги кўтарилди. Бу кулги шаҳарнинг марказий кўчасига келганда бўлинди. Ҳасан ака йигитлар билан хайрлашди-да уйи томонга йўл олди. Эшик олдида уни кенжатой ўғли Хусанбойни кўтарган хотини Сочбиби кутиб турарди...

Ҳасан ака ечиниб ювинди, овқатланди, жунжиккан таналари яйраб бир-икки пиёладан чой ичилгани ҳам йўқ эдики, уйга ўрта бўйли, зуваласи пишиқ йигирма ёшлар чамаси бир йигит кириб келди. Унинг кийим-бошлари ивиган, қулоқчинидан оқиб тушаётган қор сувлари билан юзлари ювилган. Ҳасан ака йигитни печь ёнига ўтқазди-да, бир пиёла иссиқ чой тутди. Ўзига меҳрибонлик, ҳурмат билан боқиб турган йигитга қараб:

— Хўш, ишларинг қалай, оғир эмасми, — деб сўради.

— Йўқ, ҳеч ҳам оғир эмас, ўрганиб қолдим, — жавоб берди йигит.

— Ишнинг бошланиши шунақа бўлади, — мулойимлик билан деди Ҳасан ака. — Ҳамма ҳам нарвоннинг тепасига бирдан чиққан эмас, пишийсан, секин-аста ўсаверасан. Меҳнатнинг яхши-ёмони йўқ, қаерда бўлмасин ўзингга берилган топшириқни бажонидил ўтасанг, ўша ерда қадр-эътибор топаверасан. Бугун юк ташувчи бўлсанг, эртага ўша юк тортувчи паровознинг машинисти бўлишинг турган гап. Фақат қунт керак, сабот керак, ўғлим.

Йигит ота сўзларини қунт билан тинглаб бош тебратиб ўтирар экан, Сочбиби гапга аралашди.

— Ўртоқларидан эшитдим, ўғлингиз Бобоқул меҳнаткаш йигит экан, қойил қилаяпти, дейишди.

Ўғлидан хурсанд бўлган Ҳасан ака беихтиёр ўрнидан турди-ю, дераза томонга уч-тўрт қадам ташлади. У ямяшил ойна пардасини икки томонга тортди-да, гўё юлдузлар чамани ерга кўчиб тушгандай, Ильич чироғлари порлаб турган шаҳарга бир нафас тикилиб боқди, хаёлга чўмди:

...Янгиерга ишга келганига бир ярим йилча чамаси бўлган эди. Ўшанда, Ҳасан ака касбдошлари Холимбой, Убайдулла ва ўз тенгдоши Равшан ака билан бирга ётоқхонада туришарди. Бола-чақа Қайроққумда қолган. У томонга 2—3 ойда бир йўли тушади, ҳа, иш жуда тиғиз эди ўша кезларда. Чўлни ўзлаштирамиз, боғу-бўстонларга айлантирамиз деб саф тортиб келган кишилар бийдай чўлда палаткаларда яшашарди. Ҳамманинг диққат-эътибори тезроқ янги бинолар қуриб, кишиларни уй-жойлар билан таъминлашга қаратилган эди. Ана шундай кунларнинг бирида Ҳасан ака касбдошлари билан бирга ширин суҳбат қуриб ўтирар экан, унга почтальон хат олиб келди. У хатнинг дастлабки сатрларига кўз югуртирганида, Холимбой ҳам, Убайдулла ҳам, Равшан ҳам қулоғини диқ қилиб, Ҳасан аканинг оғзига тикилди. Улар ҳам шу бир парча қоғозга нималар битилганини билишни истардилар. Нега деганда буларнинг ҳаммаси қадимдан қадрдон. Бир оиланинг кишиларидай бўлиб кетишган. Улуғ Ватан уруши даврида Фарҳод ГЭСи қурилишида ҳам, халқлар дўстлиги деб ном олган Қайроққумда ҳам ўнлаб биноларнинг пойдеворини бирга қуришиб, бирга туз тотишган. Шунинг учун ҳам йигитлар Ҳасан аканинг қўлидаги хатда ўз тақдирлари, бола-чақалари ҳақида озми-кўпми гап борлигини билишарди. Ниҳоят чақалоғини, тўнғич фарзандини соғинган Холимбой ортиқ тоқат қила олмади-да, сўз қотди.

— Бундоқ овозингизни чиқариб ўқинг, Ҳасан ака, биз ҳам эшитайлик. — Ҳасан ака атрофдагиларга бир-бир назар ташлаб чиқди-да, кейин бўғиқ товуш билан ўқий бошлади:

«Ассалому-алайкум, мендан сизга, ўғлим Бобоқулга, Равшан акага, Холимбой, Убайдуллаларга соғиниб салом. Ҳасан ака, соғлигингиз қалай, Бобоқул соғ-саломатми, келмаганларингга бир неча ой бўлиб қолди, ўғлингиз Нишонбой эрталаб чой вақтида ҳам, кечқурун овқат устида ҳам «дадам қачон келади, акамни соғиндим» деб ҳоли-жонимга қўймаяпти. Кенжатойингиз Хусанбой бирам ширин бўлганки, асли қўяверасиз. Ҳали дада деяолмаса ҳам, да-да-да деб талпинади. Сизга маълум қилишни лозим кўрмаган эдим. Аммо лекин оналик бурчи шуни тақоза этди. Хусанбойингиз бироз иситмалаб турибди»...

Шу ерга келганда Ҳасан аканинг овозига аллақандай титроқ аралашди. Лекин у вазмин одам эмасми. Ўзини тутиб олди-да ўқишда давом этди:

«Биламан, у ерда ҳам иш тиқилинч, кўпчиликнинг бахтини деб, манфаатини деб меҳнат қилаяпсизлар, сизни хайрли ишдан бир нафас бўлса ҳам тўхтатгим келмайди.. Тушунаман, фақат ўртада озгина соғиниш бор, холос. Кўнглингизни бўлмай, ишингизда давом этаверинг. Доктор Ҳусанжонга яхши қараяпти. Эрта-индин тузалиб кетади. Иложини топсам, ўзим олиб бораман. Ҳурмат билан Сочбиби».

Ҳамма хаёлга чўмди ўшанда. Равшан ака ҳам, Холимбой ҳам, Убайдулла ҳам Қайроққумни, ҳовли-жойини, бола-чақасини кўз олдига келтирди. Эҳтимол улар шу топдаёқ қанот боғлаб, фарзандлари ёнига учиб кетишмоқчи бўлди. Бундай фикр, бундай туйғу Ҳасан аканинг қалбида ҳам алангa олмади дейсизми. Ҳа у бу ҳақда ўйлади, узоқ ўйлади. Лекин аллақандай куч, ундаги оташин қалб, ирода ва орият унинг хаёлларини бошқа томонга етаклаб кетди.

Улуғ Ватан уруши. Жон бериб, жон олинаётган пайт. Ман-ман деган эр-йигитларнинг ҳаммаси фронтда. Улар гўдакларнинг лабларидаги кулги аримасин, муштипар оналарнинг кўзларидан ҳижрон ёшлари тўкилмасин, келинлар висол айёмидан айрилмасин, деб фашист босқинчиларга қарши жанг қилишаяпти. Ана шу кезларда Ҳасан ака Холимбой, Убайдулла, Равшан акалар билан бирга Фарҳод ГЭС пойдеворларини қуришга киришган эди. Катта, олижаноб курашнинг иштирокчиси бўлишган эди. Эҳ-ҳе, ўша вақтлардаги эл бошига тушган мусибатлар, қийинчиликлар — шуларнинг ҳаммасини енга олган, оғирчиликларни забардаст елкасида кўтара олган Ҳасан акалар нима учун энди мана шу тинч, фаровон ҳаётда бир-икки ойлик «айриликқа» чидай олишмасин. Йўқ-йўқ, уруш йилларидаги турмуш, меҳнат билан ҳозирги турмуш ва меҳнатни тенглаштириб бўлмайди. Ҳозир еганинг олдингда, емаганинг орқангда, техника оғирни енгил қилаяпти.

Ҳасан ака ана шуларнинг ҳаммасини касбдошларига бирма-бир тушунтириб берди ўшанда. Иккиланиб қолган касбдошлар қалбидаги ғуборлар бутунлай кўтарилиб кетди. Орадан кўп ўтмади. Касбдошларининг ҳаммаси бола-чақаларини Қайроққумдан кундан-кунга яшнаётган мана шу Янгиер шаҳрига кўчириб келишди. Мана энди айрилиқ ҳам йўқ, соғиниш ҳам!

...Ҳасан ака йигитлар билан бирга кечаги иш бошига етиб келишганида қуёш эндигина уфқдан тиғ уриб чиқаётган эди. Убайдулла айтганидай кечаги қордан асар ҳам қолмабди. Туни бўйи ҳайқирган шамол қорни узоқ-узоқларга учириб кетибди. Яна қизғин иш бошланди. Убайдулла билан Холимбой цемент қора бошлашди, Равшан ака билан Ҳасан ака пойдеворга шағал тўкишарди.

— Кечаси билан чўт қоқиб чиқдим, — деди Убайдулла ҳазиллашиб, — ҳисобласам биз қурган пойдевор юздан ошиб кетибди. Фарҳод ГЭСидагини, Қайроққумдагини бир қўшиб ҳисоблай девдум, мен ҳам сизга ўхшаб ҳисобдан янглишдим, Ҳасан ака

Ҳасан ака белкурагидаги шағални қулочлаб отди-да, бир нафас унинг дастасига суяниб, Убайдуллага илиқ боқди.

— Фарҳодга борсам ҳам, Қайроққумда бўлсам ҳам, мана шу киндик қонимиз тўкилмаган бўлса ҳам, манглай теримиз тўкилган Янгиер шаҳрида ҳам қайси бинога боқмай, у мени ўз қучоғига чорлаётгандай туюлади. Ўша биноларнинг пойдеворига сен билан менинг қўлимиз текканлигини, меҳнатимиз сингганлигини ўйласам ич-ичимдан қувониб кетаман, фахрланаман.

Ҳасан ака мустаҳкам пайдеворлар яратаётган «Главголодностепстрой»нинг ана шу азамат қурувчи йигитларининг, етти йиллик қаҳрамонларининг юрак туйғуларини ифода қилиб, шу сўзларни айтган эди...

Усмон ЖОНГИТОВ.
Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

Сўз қишлоқ мухбирларига

Боғларимизни янада кенгайтирамиз

Бизнинг Сармич қишлоғимиз Янгиер шаҳридаги «Ховос» ғаллакорлик совхозининг боғ-роғли жойларидан бири. Қишлоқда узумнинг «соҳиби», «диликаптар», «каттақўрғон», «чарос» сингари жуда яхши навларидан кўплаб экилади.

Ўтган йили совхознинг биз ишлаётган биринчи бўлими давлатга 200 тонна узум сотиб, энг яхши кўрсаткичга эришган эди. Бу йил мева боғларини, айниқса узумзорларни янада кенгайтириш учун қизғин иш олиб борилаётир. Ҳозир бригадамизда 7 гектар ерда янги токзор ташкил қилинаяпти. Ҳар гектар ерга 1200 тупдан ток ўтказамиз. 1965 йилга бориб янгидан ташкил қилинган токзорлар 60 гектарга етади.

Икки гектар ерга энг яхши навли олма кўчатлари ҳам экиб қўйдик.

Ўтган йили бригадамиз аъзолари 60 гектар ердаги токнинг ҳар гектаридан 28 центнердан узум етиштирган эдилар. Бу йил эса камида 31 центнердан ҳосил кўтариш учун курашаяпмиз.

Бригадамизда янгидан ташкил қилинган токзорларга Наманганнинг энг яхши навли узум кўчатларидан келтириб ўтказдик. Энди боғимизда узумнинг ҳар хил навларидан бор. Биз боғдорчиликдан бу йил ҳам ўтган йилдагидек мўл ҳосил олиб, мева ҳамда узумни кўпайтириш юзасидан республикамизда бошланган умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшамиз.

А. ОЛИМЖОНОВ,
боғдорчилик бригадасининг бошлиғи.

Х. КАРИМЖОНОВ,
бригада ишчиси.

Ҳамма нарса тахт қилинди

Колхоз устахонасидаги ишлар охирига етай деб қолибди.

— Ремонтнинг сифатига алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди колхоз раиси Э. Шамсиев, — 6 арава, 3 машина, 8 трактор, 10 сеялка ва бошқа агрегатлар тахт қилиб қўйилди. Энди қайта кўрикдан ўтказилаяпти.

Бугина эмас, далаларда ҳам меҳнат авжида. Чиноз районидаги Энгельс номли бу колхознинг азамат деҳқонлари, механизаторлари 911 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилиб, кўклами шайланиб кутиб олмоқдалар.

Бу йил колхозда иккита трактор-далачилик бригадаси тузилди.

— Бизга 100 гектар ер ажратиб берилди,— дейди бригадир Анвар Собитов, — тайёргарлигимиз ёмон эмас, ариқ-зовурларни тозалаб бўлдик. 120 тонна ўғит жамғардик, техникамиз шай, ҳамма ерга чигитни квадрат-уялаб экиб, ғўзани кетмонсиз парвариш қиламиз. Менинг ўзим СХМ-48 машинасида 120 тонна пахта тераман.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам дала ишлари қизғин давом этмоқда. Далага ўғит ташиб чиқариш, ер текислаш сингари ишлар авж олдириб юборилди.

Т. ИМОМОВ.

ЯНГИ РЕЖАЛАР

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози йил сайин гуркираб юксалаётир. Ўтган йили колхоз аъзолари хўжаликнинг ҳамма тармоқлари бўйича белгиланган йиллик планларни анча ошириб бажардилар. Натижада хўжалик бўйича 54 миллион сўм даромад қилинди.

Колхоз аъзолари бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб ўтган йилда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун қатъий бел боғладилар. Ўтган йили 1200 гектар ерга каноп-жут экилган эди. 1960 йилда бу экин учун 1300 гектар ер ажратилди. Ҳар гектар ердан 200 центнердан кўпроя олиш мўлжалланмоқда. Пахта экиладиган майдонлар ҳам ўтган йилги 350 ўрнига 450 гектарга кенгайтирилди. Артель аъзолари ҳар гектар ердан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришни планлаштирдилар.

Ўтган йилги катта даромаддан бўлинмас фондга 11 миллион сўм пул ажратилган эди. Бу йил ана шу маблағнинг каттагина қисмидан колхоз қишлоғини янада ободонлаштириш учун фойдаланилади. 1960 йил режаларида катта мактаб-интернат, ёзги клуб, универмаг ва 140 та янги уй биноси қурилиши мўлжалланган эди. Ҳозир бу ишлар қизғин бошлаб юборилди. Шунингдек, хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларидан, чорвачиликдан мўл ва арзон маҳсулот етиштириш учун фидокорона меҳнат қилинаётир.

П. САМБЕТОВ.



Шу кунларда Чиноз районидаги «Вревский» қишлоқ хўжалик техникумида областимизнинг жуда кўп чевар теримчилари Турсуной ташаббусига қўшилиб, механик-ҳайдовчилик касбини эгалламоқдалар. Суратда: Юқори Чирчиқ районидаги «III интернационал» колхозининг аъзолари Мунаввар Носирова, Ҳурбуви Абдуқодировалар амалий машғулот ўтказмоқдалар.

З. Қуртнезиров фотоси.

50 ЦЕНТНЕР УЧУН

Бригадамиз аъзолари 1959 йилни меҳнатда катта кўрсаткичларга эришиш билан якунладилар. Биз юз гектар ернинг ҳар гектаридан 35,2 центнердан «оқ олтин» топширдик. Бир центнер пахтанинг таннархи 68 сўмга тушди. Бу планда белгиланганидан 22 сўм 40 тийин арзон демакдир. 77 минг 140 сўм маблағ тежаб қолдик. Бригадамиз ишчиларига 150 минг сўм миқдорида пул мукофоти тақсимланди.

Биз бу ютуқларга асосан механизацияни кенг қўлланганлигимиз туфайли эришдик.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланган бригадамиз ишчилари бу йил зиммаларига яна ҳам катта мажбурият олдилар. 150 гектар ернинг ҳаммасига чигитни 60х60 схемасида квадрат-уялаб экамиз. Барча майдонлари ғўза икки томонлама машина ёрдамида парвариш қилинади. Ҳосилни фақат машина ёрдамида териб оламиз. Бир центнер пахтанинг таннархи 45—50 сўмдан ортмайди.

Область механизаторларининг кенгашида ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эдик. Бу мажбуриятни бажариш учун тайёргарликни қизиғиб юборганмиз. Ариқ-зовурлар тозалаб қўйилди. Тўртта сеялка экишга тахт. 9 тонна дориланган уруғлик чигит ташиб олинди. Биз чигит экишни узоғи билан 4—5 кунда сифатли қилиб тугаллаймиз ва уни текис ундириб олиш учун зарур чораларни кўрамиз.

Т. АЛИЖОНОВ,

«Оққўрғон» совхози 6-бўлими коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Шайланиб туришибти

Анна Димитревна Полюнина бошлиқ бригада аъзолари бу йил 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш, 95 процент пахтани машина билан териш, бир центнер пахта етиштириш учун 90 сўм сарфлаш мажбуриятини олганлар.

Улар мана шу мажбуриятларини бажариш учун кўклам экин кампаниясига қизғин тайёрлик кўрмоқдалар. Бригадада механизатор Борис Шеремет билан Павел Иванов квадрат-уялаб чигит экадилар. Улар ўз агрегатларини ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйдилар. Бригада аъзолари 15 минг квадрат метр ҳажмида ариқ-зовурларни тозалаб бўлдилар.

Айни пайтда гўнг тўплаш ва уни далага ташиб чиқариш давом этмоқда. Ҳозиргача далага 600 тонна гўнг ташиб чиқарилди. Моҳир механизатор Борис Шеремет гўнг ташишда ҳам намунали ишламоқда. У бир ўзи кунига 12-15 тоннадан гўнг ташиб чиқараётир. Ўртоқ Полюнина бошлиқ бригада аъзолари чигит экишга ана шундай шайланмоқдалар.

А. ЖАЛОЛОВ,
Янгийўл районидаги Киров номли колхоз.

ТЕХНИКАГА ЗЎР БЕРАМИЗ

Колхоз — коллектив хўжалик. Мол-мулк коллективники. Демак, келадиган фойда ҳам, зиён ҳам ўзимизники. Шундай экан, колхозни ташкилий хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ва ҳосилдорликни узлуксиз ошириш учун ҳамкорликда — бир ёқадан бош чиқариб астойдил меҳнат қилишимиз зарур.

Бироқ колхозимизнинг бригадалари бир хилда ишлаётганлари йўқ. Шу сабабли баъзи бригадада бир центнер пахта учун икки ишчи куни сарфланса, бошқа бригадада 5 ишчи куни сарф қилинмоқда. Ҳа, асосий камчилик ўзимизда. 1958 йилда бор-йўғи машина билан бир тонна пахта тердик. Шундай қилиб, катта хатога йўл қўйдик.

Партия, ҳукуматимиз пахтакорлар ҳақида ғамхўрлик қилиб узлуксиз ёрдам бермоқдалар. Пахтани машинада теришга кенг йўл очилди. Машина колхозчиларнинг елкасидаги оғир юкни енгил қилди. Ўтган йили машиналардан анча яхши фойдаландик. 370 тонна пахта машинада терилди. Механик-ҳайдовчи Ўртоқ Эрмат Нурматов мавсумда 64 тонна пахта терди. Машинада терилган пахтага жуда оз дул сарфланди. Терган бир тонна пахтаси учун механик-ҳайдовчига 40 сўм тўланди. холос. Ру пахта қўл билан терилганда 400 сўм тўланар эди. Бундан ортиқ яна қандай фойда бўлсин! Бунинг устига эртадан кечгача эгатмаэгат юриб икки бурилиб пахта терганда кишининг бели оғриганини айтмайсизми?

Кетмондан воз кечдик. Далаларимизда унинг кораси камдан-кам кўринадиган бўлиб қолди. Энди навбат фартуққа. Уни ҳам йўқотиш пайти келди. Фартуқларни машинанинг катта бункерларига алмаштиришимиз зарур. Аммо бу ўз-ўзидан, осонликча бўлмайди. Бунинг учун белни маҳкам боғлаб, қатъий курашмоғимиз зарур.

Ўтган йили Ўртоқ Э. Нурматов бригадасида 200 тонна пахта машинада терилди. Бу бригада бир центнер пахта етиштириш учун салкам икки меҳнат куни сарф қилди, бир центнер пахтанинг таннархи эса 141 сўмга тушди. Ўртоқ Рустамов бригадасида бунинг аксини кўрамиз. Бу бригадада бир центнер пахта етиштиришга 5,3 меҳнат куни сарфланиб, унинг таннархи 230 сўмга тўғри келди. Очиғини айтганда ҳамма бригадада пахтачилик ишларини комплекс механизациялаштириш кўп жиҳатдан фойдали эканини амалда кўрдик. Энди ХВС-1,2 пахта терадиган машиналарни кўпайтиришимиз зарур бўлиб қолди.

Колхозда чигит экишдан тортиб, ғўза қатор ораларини парвариш қилишгача бўлган барча ишни кўпроқ механизациялаштириш планлаштирилди. Булардан ташқари ХВС-1,2 пахта терадиган янги машина сотиб оладиган бўлдик. Колхозимизда бу мураккаб техникани бошқарадиган йигитлар борми? Бор албатта! Машинани ҳайдайдиган йигитларгина эмас, Турсуной сингари дугоналари ҳам топилади. Правление машина ҳайдовчи кадрлар тайёрлашга киришди.

Бу йил пахтазорда машиналар ишлайди. Биз аввалги планимизни қайта кўриб чиқдик. Машина билан 50 эмас, балки етиштирилган пахтанинг 65—70 процентини териб олишга қарор қилдик.

Колхозчиларимиз йил бошидан уюшқоқлик билан кўклам экишига тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳамма экишга ҳозирланаяпти. Қарийб асосий ишлар битиб қолди. Кечагина қамиш босиб ётган зовурлар тозаланиб кишининг ҳавоси келадиган ҳолга келтирилди. Мана Олимжон ота Мўминов даласи. Кекса пахтакорнинг ғайратига балли. Бу йил гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» бермоқчи. Отанинг сўзи билан иши бир. Ваъдасининг устидан чиқади. Гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит солиб, ерни семиртирмоқда. Бошқа бригадаларнинг ҳам иши ёмон эмас. Колхознинг чигит экадиган барча ерига 5—7 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Қишлоғимизда ҳосилга ҳосил қўшадиган, ернинг унумдорлигини оширадиган маҳаллий ўғит ҳали кўп, уни далага чиқариш қизғин давом этмоқда.

Механизаторларимизнинг ҳам ғайрати чакки эмас. Улар техникани тўла ва сифатли ремонт қилиб қўйдилар. Шунингдек, борона, культиватор, сеялка чизеллар ҳам қўлдан чиқарилди. Колхозимиз чигит экишга шайланиб киришади.

Биз етти йилликнинг иккинчи йилида катта майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштириб, мақсадимизга албатта етамиз. Деҳқонларимиз Ватан олдидаги бурчларини шараф билан бажарадилар.

Элибой МАВЛОНОВ,
Янгиер шаҳридаги Карл Маркс номли колхоз агрономи.

Чигит экишга тайёргарлик суст

Пискент районининг колхоз ва совхозлари ўтган йили пахтадан мўл ҳосил етиштириб, планни барвақт бажарган эдилар. Бироқ айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ана шу ютуқлардан хотиржам бўлишиб, мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирланиши зарур бўлган ҳозирги ғанимат кунларда бепарво юрибдилар.

Ворошилов номли колхоз бу йил 1350 гектар ерга пахта экиб, гектарига 25 центнердан ҳосил кўтариши керак. Хўжаликда 380 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экилади. Колхоз олдида шундай катта вазифалар туришига қарамай ҳозирги кунда бу ерда дала ишлари бўшаштириб юборилган. Техника ремонтига ҳали ҳам етарли эътибор берилмаётир. Бунинг устига квадрат-уялаб чигит экадиган агрегатларнинг экипаж аъзолари ҳанузгача тайёрланмаган. Агротехника ўқишида қатнашиши лозим бўлган 21 кишининг кўпи машғулотларга қатнашмайди.

Колхоз бўйича 12 минг тоннадан ортиқроқ гўнг тўпланиши керак эди. Бу ишга ҳам панжа орасидан қаралмоқда. Оқибатда шу вақтгача 2 минг тонна гўнг тайёрланган. Бунинг устига минерал ўғитлар ҳам колхозга ташиб келтирилмаган. Ариқ-зовурлар тозалаш ўлда-жўлда қолиб кетаяпти. Хуллас, колхозга бориб шу кеча-кундузда қилиниши лозим бўлган ишларнинг қайси бирига назар солманг, албатта каттакатта нуқсонларни учратасиз.

Шунга ўхшаш кўнгилсиз аҳвол райондаги Калинин номли колхозда, «Пискент» совхозида ҳам учрайди. Калинин номли колхозда меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Колхозчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шунинг натижасида ҳозир дала ишларида колхозчиларнинг ярмидан озроғи иштирок этмоқда.

«Пискент» совхозида 42 та трактор-далачилик бригадаси тузилди, деб овоза қилинди. Аммо бу бригадалар номигагина бор. Аслида уларга на ер ажратиб берилган, ва на ишчи кучи. Бу ерда маҳаллий ўғит тўплаш ишига ҳам етарли аҳамият берилмаяпти. Техника ҳали тайёр эмас. Ариқ-зовурлар тозалаб бўлингани йўқ.

Хўш, совхозда кўкламга тайёрлик нега суст? Сабаб шуки, совхоз раҳбарлари ҳамма нарсани кўкламга тайёр қилиб қўйиш учун чинакамига бош қотирмаётирлар. Директор А. Киселев, партия ташкилотининг секретари М. Орипов ўртоқлар бўлса кўпинча кабинетдан туриб, айрим ҳолларда эса хўжакўрсинга бир далада кўриниб қўйиб кўкламги дала ишларига «раҳбарлик» қилмоқдалар. Шу аҳволда 1960 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни тўла бажариб бўлармикин? Совхоздагилар шу ҳақда ўйлаб кўришса яхши бўлар эди.

О. ЭШОНҚУЛОВ.

Чорвадорлар аҳди

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартиясининг XV съезди қарорларидан илҳомланган Бўстонлиқ районидаги қатор колхозлар чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун курашмоқдалар.

«Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида 1958 йилда бир центнер чўчқа гўшти 1500 сўмга тушган эди, 1959 йилда эса 888 сўмга тушди.

«Чирчиқ» колхозининг чорвадорлари бу йил икки йиллик план миқдорида гўшт етиштириш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятни бажаришда колхоз ёшлари ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Ҳозир улар 500 бош қўй, 150 бош қорамол, 205 бош чўчқани бўрдоқи қилиб боқаётирлар. Шунингдек, 126 бош сигирни 150 бошга етказиш, 100 бош совлиқдан 120 тадан қўзи, ҳар бир қўйдан 3 килограммдан жун олиш учун курашмоқда.

Ҳозир колхоз чорвачилик фермасида 22 киши ишлайди. Шулардан 9 киши комсомол. Инобат Хожиматова, Машҳура Тўйчиевалар айниқса намунали ишламоқдалар. Ўтган йили колхозда жайдари сигирлардан 1400 литрдан сут соғиб олинган бўлса, Инобат 14 сигирнинг ҳар биридан 1650 литрдан сут соғиб олди, бу йил у 2000 литрдан сут соғиб олиш учун курашмоқда.

Бўстонлиқ районидаги бир қатор хўжаликлар бу йил чорва маҳсулотларини кўпайтириш учун шу хилда кураш олиб бормоқдалар. Шунинг учун районда I квартал гўшт топшириш планы ортиғи билан бажарилди. 1-кварталда район хўжаликлари давлатга 120 тонна гўшт сотишлари лозим бўлса, улар ҳозиргача 157 тонна гўшт сотдилар. Фрунзе номли, «Қизил туғ» колхозлари ва «Ўтам» совхози энг кўп гўшт топширдилар.

Етти йиллик план топшириқларини қисқа муддатда бажаришга бел боғлаган район чорвадорлари I квартал ҳисобига яна давлатга 65 тонна гўшт топшириш учун курашмоқдалар.

В. ҚОДИРОВ.

100 ҚЎЙДАН 126 ҚЎЗИ

Чиноз районидаги Киров номли колхознинг чўпони Қўчқорбой ота Бахтиназаров 1957 йилда 388 бош совлиқни боқиб, уларнинг ҳар юз бошидан 115 тадан қўзи олган эди. Ҳукумат унинг меҳнатини тақдирлаб Қўчқорбой отага Меҳнат Қизил Байроқ ордени берди.

Қўчқорбой ота бу йил 393 бош совлиқни ўз боқувига олган. Қўйларни яхши парваришлаш, ҳар бир қўзининг соғлом ўсиши учун ғамхўрлик қилиш орқасида Қўчқорбой ота ҳар 100 бош совлиқдан 126 тадан қўзи олиб, чўпонлар ўртасида бошланган социалистик мусобақада ғолиб чиқди. У ҳозирги кунда 100 бош қўйни алоҳида ажратиб бўрдоқига боқаётир.

Янгийўл районидаги Киров номли колхоз чўпонлари орасида Тожибой Қўноқов ва Турмарбой Тўракелдиев ўртоқлар ҳам йўқотиш пайти келди. Фартуқларни машинанинг катта бункерларига алмаштиришимиз зарур. Аммо бу ўз-ўзидан, осонликча бўлмайди. Бунинг учун белни маҳкам боғлаб, қатъий курашмоғимиз зарур.

Ўтган йили Ўртоқ Э. Нурматов бригадасида 200 тонна пахта машинада терилди. Бу бригада бир центнер пахта етиштириш учун салкам икки меҳнат куни сарф қилди, бир центнер пахтанинг таннархи эса 141 сўмга тушди. Ўртоқ Рустамов бригадасида бунинг аксини кўрамиз. Бу бригадада бир центнер пахта етиштиришга 5,3 меҳнат куни сарфланиб, унинг таннархи 230 сўмга тўғри келди. Очиғини айтганда ҳамма бригадада пахтачилик ишларини комплекс механизациялаштириш кўп жиҳатдан фойдали эканини амалда кўрдик. Энди ХВС-1,2 пахта терадиган машиналарни кўпайтиришимиз зарур бўлиб қолди.

Колхозда чигит экишдан тортиб, ғўза қатор ораларини парвариш қилишгача бўлган барча ишни кўпроқ механизациялаштириш планлаштирилди. Булардан ташқари ХВС-1,2 пахта терадиган янги машина сотиб оладиган бўлдик. Колхозимизда бу мураккаб техникани бошқарадиган йигитлар борми? Бор албатта! Машинани ҳайдайдиган йигитларгина эмас, Турсуной сингари дугоналари ҳам топилади. Правление машина ҳайдовчи кадрлар тайёрлашга киришди.

Бу йил пахтазорда машиналар ишлайди. Биз аввалги планимизни қайта кўриб чиқдик. Машина билан 50 эмас, балки етиштирилган пахтанинг 65—70 процентини териб олишга қарор қилдик.

Колхозчиларимиз йил бошидан уюшқоқлик билан кўклам экишига тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳамма экишга ҳозирланаяпти. Қарийб асосий ишлар битиб қолди. Кечагина қамиш босиб ётган зовурлар тозаланиб кишининг ҳавоси келадиган ҳолга келтирилди. Мана Олимжон ота Мўминов даласи. Кекса пахтакорнинг ғайратига балли. Бу йил гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» бермоқчи. Отанинг сўзи билан иши бир. Ваъдасининг устидан чиқади. Гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит солиб, ерни семиртирмоқда. Бошқа бригадаларнинг ҳам иши ёмон эмас. Колхознинг чигит экадиган барча ерига 5—7 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Қишлоғимизда ҳосилга ҳосил қўшадиган, ернинг унумдорлигини оширадиган маҳаллий ўғит ҳали кўп, уни далага чиқариш қизғин давом этмоқда.

Механизаторларимизнинг ҳам ғайрати чакки эмас. Улар техникани тўла ва сифатли ремонт қилиб қўйдилар. Шунингдек, борона, культиватор, сеялка чизеллар ҳам қўлдан чиқарилди. Колхозимиз чигит экишга шайланиб киришади.

Биз етти йилликнинг иккинчи йилида катта майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштириб, мақсадимизга албатта етамиз. Деҳқонларимиз Ватан олдидаги бурчларини шараф билан бажарадилар.

Элибой МАВЛОНОВ,
Янгиер шаҳридаги Карл Маркс номли колхоз агрономи.

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ДОНГДОР ХОТИН-ҚИЗЛАРИ

Орденингиз муборак

Илгари Сорахон Шодмонова колхозда бошланғич партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлар эди. У доим меҳнаткашлар орасида бўлиб, улар билан баравар тер тўкар эди. Гаганова ва ғанишерчи ватанпарвар ташаббускорларнинг ҳаракатларини эшитгач бу аёл қилиниди. Ғўза фақат механизация ёрдамида парвариш қилиниши натижасида бу бригада пахта даласидан шу йилиёқ кетмон суриб чиқарилди. Энг орқада қолиб келган бригада аъзолари Сорахон бошчилигида ҳар гектар ердан 42 центнердан ҳосил олишди.



Ўртоқ Сорахон ШОДМОНОВА.

Яқинда халқаро хотин-қизлар кунининг 50 йиллиги муносабати билан янги бир хушхабар тарқалди. Мамлакатимиздаги донгдор хотин-қизлар ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан мукофотландилар. Ана шу мукофотланганлар орасида Сорахон Шодмоновани ҳам бўлиши колхоз меҳнаткашларини ғоят қувонтирди. Донгдор бригадир Ленин ордени билан мукофотланди.

Лекин, тинниб-тинчимаган Сорахон Шодмонова бу билан чекланиб қолмади. Унинг қалбидаги меҳнатга бўлган иштиёқ донгдор механизаторлар билан бел олишишга ундади. У Турсуной Охунова изидан бориб, пахта териш машинасини бошқаришни ўзлаштиришга аҳд қилди.

Ҳа, Сорахон бир ишга киришдими, уни албатта охирига етказади. Мана ҳозир у агрегатни бошқаришни тўлиқ ўзлаштирай деб қолди.

Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 50 процентини машиналарда териб оламиз, — дейди С. Шодмонова. Пахтачиликнинг устаси бўлган Сорахон бу йил пахта териш машинасида 100 тоннадан ошириб пахта теришга бел боғлади

Гулистон районидаги «Ленинград» колхозининг Ўртоқ С. Шодмонова бошчилик қилаётган бригада аъзолари ирригация ва мелиорация ишларини сифатли тамомладилар. Экиш механизмлари ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Бригада аъзолари бу йил ўтган йилдагидан ҳам юқори ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Биз донгдор бригада бошлиғига фахр билан орденингиз муборак деб айтамиз, бригаданинг ишига муваффақиятлар тилаймиз.

М. АЛИЕВ,
С. СЕЛИМОВ.

ТЕПЛИЦА КОМБИНАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Оржоникидзе районидаги Навоий номли колхоз аъзолари шаҳар аҳолисини йил бўйи помидор, бодринг ва шунга ўхшаш ҳўл мевалар билан таъминлаш мақсадида теплица хўжалигидаги ишларни намунали ташкил қилмоқдалар.

Ўртоқ Х. Аъзамов бошлиқ бригада аъзолари ўз ҳалол меҳнатлари натижасида 1,5 минг туп помидордан мўл ҳосил олишга эришдилар. Ҳозиргача шаҳар аҳолисига 2 минг килограммдан ортиқ помидор етказиб берилди. Бригада аъзолари очиқ майдонларда помидор ҳосили пишиб етилгунча яна 5 минг килограмм помидор ва бир неча тонна бодринг ҳосили олишни мўлжалламоқдалар.

Шунингдек райондаги «XXI партсъезд» совхозининг иккинчи бўлимида ҳам парник хўжалигидаги ишлар кишини хурсанд қилади. Бу ерда помидор, карам кўчатлари етказиш ва бу экинлардан эрта ҳосил олиш учун барча зарур тадбирлар амалга оширилаяпти.

Парник хўжалиги бригадаси аъзоларидан Н. Турсунова Ўртоқлар Ҳа, Сорахон бир ишга киришдими, уни албатта охирига етказади. Мана ҳозир у агрегатни бошқаришни тўлиқ ўзлаштирай деб қолди.

Бу йил етиштирилган ҳосилнинг 50 процентини машиналарда териб оламиз, — дейди С. Шодмонова. Пахтачиликнинг устаси бўлган Сорахон бу йил пахта териш машинасида 100 тоннадан ошириб пахта теришга бел боғлади

Гулистон районидаги «Ленинград» колхозининг Ўртоқ С. Шодмонова бошчилик қилаётган бригада аъзолари ирригация ва мелиорация ишларини сифатли тамомладилар. Экиш механизмлари ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Бригада аъзолари бу йил ўтган йилдагидан ҳам юқори ҳосил олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Биз донгдор бригада бошлиғига фахр билан орденингиз муборак деб айтамиз, бригаданинг ишига муваффақиятлар тилаймиз.

М. АЛИЕВ,
С. СЕЛИМОВ.

Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг марказий устахонасида иш қизғин, механизаторлар, ремонтчи ишчилар техникани кўкламга шай қилиб қўйиш учун курашмоқдалар. Ремонтчиларнинг олдинги сафида олтинчи разрядли токарь Николай Бабаков бормоқда. Бу жонкуяр токарга ҳамма вақт энг қийин ва масъулиятли ишни топширадилар. Бабаков ҳар қандай топшириқни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаради. Шу кунларда у Ленин вахтасида туриб ишламоқда. Суратда: Ўртоқ Николай Бабаков иш устида.

А. Заблоцкий фотоси.



„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 19 МАРТ, 1960 ЙИЛ



Ботвинник—Таль матчи

17 мартда Москвада гроссмейстерлар М. Ботвинник ва М. Таль ўртасида жаҳон биринчилиги учун шахматчининг иккинчи партияси ўйналди. Оқ доналар Ботвинникда эди. Рақиблар халқаро практикада кўп қўлланиладиган ҳинд ҳимоясини танладилар. Дебют жуда тез ўйналди. Қоралар пиёдаси оригинал равишда илгарига сурилгандан кейин Ботвинник шоҳ томонда позицион устунликка эришди. Ҳужум қилиб турган бир қанча асосий фигуралар алмаштирилгандан сўнг ҳам жаҳон чемпиони ташаббусни сақлаб қолди. 21-юришда Таль жаҳон чемпионига дурангга таклиф қилди. Ботвинник эса бунга рози бўлмади. Шундан сўнг Талга ўз позициясида қийин ҳимоя проблемасини ҳал қилишга тўғри келди. Ўйиннинг сўнгги соатида Таль рақибининг хавфини бартараф қила олди. 45-юришда гроссмейстерлар дурангга рози бўлишди.

Матч ҳисоби Таль фойдасига — 1,5:0,5. (ТАСС).

КОНТРОЛЬ ҚИЛИБ ТУРИЛАДИГАН ЁППАСИГА ВА БАТАМОМ ҚУРОЛСИЗЛАНИШГА ЭРИШАЙЛИК

Атом қуролини тақиқлаш тўғрисида Стокгольмда қабул қилинган тарихий мурожаатнинг 10 йиллиги муносабати билан 16 мартда тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ҳузурида тузилган қуролсизланиш ва иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи комиссияларнинг қўшма мажлиси бўлди.

Комиссияларнинг аъзолари — ишчилар, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари ғарбда, хусусан Германия Федератив Республикасида зўр бериб қуролланиш тарафдорларининг активлиги кучайганлигини таъкидладилар. Комиссияларнинг аъзолари «совуқ уруш»ни тугатиш ва қуролсизланиш учун тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун курашаётган чет эллардаги тинчликсевар кучлар билан совет жамоатчилигининг алоқаларини мустаҳкамлаш зарур эканлигини якдиллик билан таъкидладилар.

Мажлис қатнашчилари Женевага — ўнлар комитетига телеграмма юбордилар. Улар бу телеграммада қуролсизланиш юзасидан муҳим музокараларнинг бошланганлигини табрикладилар.

Телеграммада бундай дейилади: Биз ўнлар комитети контроль қилиб туриладиган ёппасига ва батамом қуролсизланиш идеясини амалга ошириш учун керакли конкрет тадбирларни мумкин қадар қисқа вақт ичида ишлаб чиқади, деб умид қиламиз.

Биз умид билдириб айтамизки, ўнлар комитетининг қатнашчилари қуролсизланиш масаласи ҳозирги замоннинг энг муҳим, ҳаётий масаласи эканлигини яхши англаб, контроль қилиб туриладиган ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги шартномани тезликда ишлаб чиқишда ҳамжиҳатлик ва самарали ҳамкорликка эришадилар.

Қуролсизланиш ва иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи комиссияларнинг мажлисида ядро қуроли синовларини тўхтатиш юзасидан уч давлат Женева кенгаши қатнашчиларига телеграмма юборишга қарор қилинди. (ТАСС).

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ БИРДАМЛИГИ СОВЕТ КОМИТЕТИДА

1960 йил 17 мартда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетида кенгаш ўтказилди. Бу кенгашда халқлар дўстлиги университетини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалалар қараб чиқилди.

Кенгашда сўзга чиққан атоқли олимлар ва жамоат арбоблари — академик Е. М. Жуков, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Б. Ғ. Ғафуров, техника фанлари доктори, профессор С. В. Румянцев, тарих фанлари доктори И. И. Потехин, ёзувчи А. В. Софронов ва бошқалар халқлар дўстлиги университетини ташкил этиш ва 1960 йилда университетга қабул қоидаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида фикр олишдилар ва ўз мулоҳазаларини айтдилар.

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети ва университетнң ташкил этувчи бошқа муассасалар халқлар дўстлиги университетига қабул тўғрисида жуда кўп аризалар, хат ва сўроқлар олмоқда. Ана шу хат ва аризалар ташкил этилаётган университет кенгашига топширилади.

Чет эллардa

Қуролсизланиш бўйича ўн давлат комитетида

ЖЕНЕВА, 17 март. (ТАСС). Қуролсизланиш бўйича ўн давлат комитетининг бу ерда ўтказилаётган кенгашида Ғарбдаги беш мамлакат (АҚШ, Англия, Франция, Канада ва Италия) қўшма таклиф киритдилар. Бу таклиф «Ёппасига қуролсизланиш масаласи юзасидан беш давлатнинг ҳужжати» деб аталади.

Бу планнинг асосий қисми бир қанча тайёргарлик тадбирларига тааллуқлидир. Бу тадбирлар «Қуролсизланиш бўйича халқаро ташкилотни аста-секин тузишни, қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг ҳозирги даражаси тўғрисида, молия системасининг ҳарбий харажатларга таъсири тўғрисида ва шу сингарилар ҳақида турли маълумотлар тўплашни, шунингдек турли техника проблемаларини ўрганишни ўз ичига олади.

Планда бу тайёргарлик ишини амалга ошириш учун муддатлар кўрсатилмаган.

Ана шу тайёргарлик босқичидан кейин ялпи вайронгарчилик келтира оладиган космик фазо снарядларини орбитага чиқариш ва уларни стабилизация қилишни тақиқлаш, ракеталарни учириш мўлжалланганлиги тўғрисида Қуролсизланиш халқаро ташкилотига олдиндан хабар бериб қўйиш, ҳарбий мақсадлар учун парчаланувчи моддалар ишлаб чиқаришни тўхтатиш каби тадбирлар амалга оширилиши лозим. Ўзаро келишилган контроль системаси жорий қилиниб, самарали равишда амалга оширилганидан кейин ана шу тадбирларни кўриш таклиф этилади.

Қуролсизланиш соҳасидаги амалий тадбирлар планнинг охиридагина «қўшимча тадбирлар» сифатида тилга олинади, бу тадбирларни амалга ошириш муддатлари эса белгиланган эмас.

* * *

ЖЕНЕВА, 17 март. (ТАСС). Қуролсизланиш бўйича ўн давлат комитетининг навбатдаги ёпиқ мажлиси бўлди. Мажлис Канада делегатининг раҳбарлиги остида ўтди.

Комитетнинг навбатдаги мажлиси 18 мартга белгиланди.

Монтевидео меҳнаткашлари касаба союз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб митинг ўтказдилар

МОНТЕВИДЕО, 17 март. (ТАСС). Бу ерда меҳнаткашларнинг кўп минг кишилик намойиши бўлди. Намойишда ишчилар, хизматчилар, студентлар, пенсионерлар қатнашдилар. Меҳнаткашларнинг ягона касаба союз маркази уюштирган бу намойиш касаба союзларнинг фаолиятини

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ СОНИ

ХАНОЙ, 17 март. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Аҳолини рўйхатга олувчи марказий комиссиянинг кеча эълон қилинган маълумотларига қараганда, Вьетнам Демократик Республикасининг аҳолиси шу йил 1 мартгача 15.903 минг кишидан иборат бўлган. Шу жумладан эркаклар 7.700 минг ва хотин-қизлар 8.203 минг кишини ташкил этган.

Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахти Ханой шаҳрида 639 минг киши яшайди. Шимолий Вьетнамнинг иккинчи катта шаҳри Хайфондир. Бу шаҳарда 367 минг киши яшайди.

ЖАЗОИРДА ЖАНГЛАР

ҚОҲИРА, 17 март (ТАСС). Бугун бу ерда Жазоир миллий озодлик армияси олий қўмондонлигининг Жазоирда 11 ва 12 мартда бўлган жанглар тўғрисидаги ахбороти эълон қилинди.

Ахборотда бундай дейилади: Жазоир ва француз қўшинлари ўртасидаги шиддатли жанглар натижасида француз армияси солдат ва офицерларидан 463 киши ўлдирилди ва 229 киши яралар бўлди. Французларнинг кўпгина қурол-яроғлари ва ўқ-дорилари ўлжа қилинди.

Областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида

ЯНГИ УЙЛАРГА КЎЧИБ КИРДИЛАР

Янгийўл. Гидролиз заводи қурилиш-монтаж бошқармасининг бинокорлар коллективи икки қаватли иккита турар-жой биносини битказиб, фойдаланишга топширдилар. Шаҳарнинг Самарқанд кўчасида қад кўтарган бу бинолар пишиқ ва сифатли қурилган.

Бу йил яна 3 та икки қаватли турар-жой биноси қурилиб, шаҳар меҳнаткашларига фойдаланишга топширилади.

О. Қурумбоева.

ТЕХНИКУМ УЧУН ЯНГИ БИНО

Чиноз. Райондаги Вревский қишлоқ хўжалиги техникуми учун янги бино қурилиб, яқинда фойдаланишга топширилди. Бу бино таълим-тарбия ишлари олиб бориш учун жуда қулай қилиб қурилди. Унда 50 студент сиғадиган 14 та аудитория, 300 кишилик спорт зали, 4 та лаборатория хонаси ва бошқалар бор. Бино қурилишига техникумнинг студентлари ҳам яқиндан ёрдам бердилар.

М. Пейсенов.

КОМБИНАТДА АВТОМАТ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

Олмалиқ. Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати бошқармасида яқинда янги автомат-телефон станцияси қурилиб ишга туширилди. Станция юз номерга мўлжалланган. Автомат-телефон станциясининг қурилиши натижасида абонентларга хизмат кўрсатиш яхшиланди, бинобарин тўрт телефонистканн бошқа ишга ўтказиш имкони туғилди.

А. Павленко.

КОЛХОЗДА АПТЕКА

Оржоникидзе. Киров номли колхоз районнинг обод қишлоқларидан бирига айланмоқда. Яқинда колхоз марказида янги аптека очилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Илгари колхозчилар зарур дори-дармон учун узоқ масофани босиб, район марказига боришга мажбур бўлардилар. Эндиликда барча дори дармонлар билан таъминланган янги аптека қишлоқ аҳолиси учун катта қулайлик туғдирди.

К. Ортиқов.

«ИЛМИЙ-АТЕИСТИК ТЕМАЛАРДА ЛЕКЦИЯЛАР

Чирчиқ. Шаҳардаги Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводининг сиёсий маориф кабинети цехларнинг қизил бурчакларида илмий-атеистик темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказаётир. «Фан ва худога ишонниш», «Фан ва диний ақидалар», «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва диний сарқитларга қарши кураш» деган темалардаги лекцияларни цехларнинг ишчилари эътибор билан тингладилар. Илмий-атеистик темада яна олтита лекция ўтказиш планлаштирилди.

Шундай лекциялар 225-УНРнинг қурилиш майдончалари ва шаҳар саноат комбинатида ҳам ўтказилаётир.

Т. Сихарулидзе.

КОМСОМОЛ ВА ЁШЛАР КИНОЛЕКТОРИЙСИ

Пискент. Район комсомол комитети район маданият бўлими билан ҳамкорликда комсомол ва ёшлар учун икки ойлик кинолекторий ташкил этди. Ҳар дам олиш куни ишлайдиган бу кинолекторийга ҳозир 250 киши қатнамоқда. Ёшларга турли темаларда лекция ва докладлар ўқиш, кинофильмлар кўрсатиш ҳамда турли оммавий ўйинлар ташкил қилиш планлаштирилган.

«Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир совет гражданининг шарафи бурчидир», «КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорлари ва ёшларнинг вазифалари» деган темалардаги лекцияларни лекторий қатнашчилари эътибор билан тингладилар. Навбатдаги машғулотларда «В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти ёшлар учун намунадир», «Совет ёшларининг маънавий қиёфаси», «Шахсий гигиена», «Алкоголизмга қарши кураш» каби темаларда лекциялар ўтказиш мўлжалланмоқда.

Н. Бекназаров.

Ф А Р З А Н Д

Фарзандим, фарзандим қутлуғ номингни
Ажиб ифтихор-ла олдим тилимга,
Бунчалар ширинсан, бунчалар яхши,
Бунчалар яқинсан менинг дилимга.

Ширин орзуларга шўнғиганимда,
Ҳаёл келажакка қушдай учганда,
Сени ўзим билан ҳамнафас сезиб,
Кўнглим кўтарилар ўпиб қучганда.

Тилинг чиққанида «ада... ада»лаб
Қуш қанот қоққандай талпинишинг соз,
Сени эркалаймиз ойинг иккимиз
Ширин сўзларингга бўлиб ҳамовоз.

Ваҳоб РАҲМОНОВ.
А. ТЎРАЕВ фотоэтюди.

Чет эллар билан савдо алоқамиз кучаймоқда

1960 йилда чет элдаги социалистик мамлакатлардан республикамизга кўп миқдорда турли хил саноат моллари келтирилади. Бу молларнинг кўп қисми Тошкент савдо тармоқлари орқали меҳнаткашларга сотилади. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги қардош Хитойдан жун газламалар, кўп миқдорда эркак ва хотинлар пойафзаллари, хрусталь идишлар сотиб олади. Германия Демократик Республикасидан республикамиз пойтахтига музика асбоблари, болалар ўйинчоқлари, трикотаж буюмлар, хрусталь ва чинни асбоблар, шунингдек пойафзал ҳамда электр асбоблари юборилади. Польша, Руминия ва Болгариядан консерва ва тамаки маҳсулотлари, электр ва музика асбоблари, пойафзал ва бошқа моллар келтирилади. Бирмадан бу йил ўтган йилга қараганда икки-уч баравар кўп гурунч олинади.

В. ГРИГОРЯНЦ.

«Партия турмуши»нинг янги сони

Журналнинг март сони «Партия пропагандаси ва ҳаёт» сарлавҳали бошмақола билан очилади. «В. И. Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги олдидан» рубрикаси остида бир қанча қизиқарли материаллар эълон қилинган. Техника фанлари кандидати А. Ҳамидовнинг Россияни электрлаштириш давлат комиссиясининг тузилганига 40 йил тўлишига бағишланган «Мамлакатни ёппасига электрлаштиришнинг ленинча плани» сарлавҳали мақоласи қизиқарли фактларга бойдир.

«КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз» рубрикаси остида босилган материаллар қишлоқ хўжалик механизаторларининг муҳим вазифаларига бағишланган. Бундан ташқари пропагандининг ҳаётга, оммага яқин бўлишини уқтирувчи материаллар ҳам бор.

Халқаро хотин-қизлар куни — 8-Мартнинг 50 йиллиги муносабати билан бу сонда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Х. Муҳиддиновнинг «Замонамиз шонли хотин-қизлари» сарлавҳали мақоласи ва бошқа материаллар берилган.

Катта мусобақалар бўладиган жойда

Ҳадемай улкан «Пахтакор» стадиони яна минглаб тамошабинлар билан тўлади. Тошкентликлар бу ерда «А» классида ўйновчи футболчиларнинг мусобақаларини тамоша қиладилар.

Стадион дирекцияси бу ерга келувчиларнинг кўнгилли дам олиб кетишларига имконият туғдириш учун қатор чоралар кўрмоқда. Шу кунларда стадионни янги футбол мавсумига тайёрлаш учун қизғин иш олиб борилаётир.

Стадионни тамомила қуриб битказиш учун махсус комиссия тузилди. Бу комиссия 1 апрелдан кечикмай стадион деворларини қуриб тугаллаш, ҳукумат ложасини ремонтдан чиқариш, Ўзбекистон кўчасидан стадионга кириш йўли очиш ва бошқа тадбирларни амалга оширишга ваъда берди. Ҳозир стадион майдонига чим босиш ишлари тугатилди. Айни чоқда ишчи ва хизматчилар стадион атрофини кўкаламзорлаштирмоқдалар. Яхшироқ тартиб ўрнатиш мақсадида стадион трибуналари 4 га бўлинади. Ҳар трибунага учтадан йўл бўлади.

Бундан ташқари, стадион дирекцияси бўлажак ўйинлар олдидан 10 минута абонемент тайёрлади. Бу абонементларда 12 та асосий ўйинга талон бўлади. Абонементлар ҳозирдан сотила бошланди.

Стадион биринчи матч ўтказиладиган кун — 9 апрелда байрам либосига ўралади. Шу куни 200 га яқин ранг-баранг байроқ стадион устида ҳилпирайди.

С. МУСАЕВ.



Тошкент шаҳар кўкаламзорлаштириш трести оранжереяларида парк, сквер ва хиёбонларга ўтқазиш учун жуда кўп ниҳоллар тайёрланди. Оранжереяда аҳолига сотиш учун ҳам гул ва дарахт кўчатлари ўстирилмоқда. Суратда: трест агрономи Евгения Яскевич аҳолига тарқатишга тайёрланган гулларни кўздан кечирмоқда.

О. Косирев фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ФИЗКУЛЬТУРА ДАРСИГА ЭЪТИБОР БЕРИЛМАЁТИР

Янгийўл районидаги 50-, Чиноз районидаги 7-мактабларда физкультура дарсларини ўтиш учун шароит яратилган эмас. Бу мактабларда спорт зали, турли спорт машқлари ўтказиш учун зарур инвентарлар етишмайди. Мактабларда БГТО ва ГТО значокларига норма топшириш юзасидан қилинадиган ишлар ҳам амалга оширилмаётир.

Янгийўл ва Чиноз район халқ маорифи бўлимларининг бу фанга нисбатан меносимай қараб келаётганликлари бизни ажаблантиради.

І. АШРАПОВ,
Э. ОМОНОВ,
ўқитувчилар.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ТИНЧЛИКНИНГ АТОҚЛИ КУРАШЧИСИ

Машҳур француз олими — истеъдодли физик, Жаҳон тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири Фредерик Жолио-Кюрининг номи дунёдаги ҳамма мамлакатлар халқлари орасида ҳурмат билан тилга олинади. У империалистик уруш тарафдорларини фош қилиш ва тинчлик учун курашга соф ниятли кишиларни сафарбар этиш йўлида ҳормай-толмай курашган.

Фредерик Жолио-Кюри 1900 йил 19 мартда Парижда туғилди. Унинг отаси Анри Жолио Париж коммунаси қатнашчиси бўлганидан бу оилада буржуазияга қарши курашган коммунарлар хотираси муқаддас сақланарди. Жолио лицейни тамомлагач, физика ва амалий кимё мактабига ўқишга киради. 1923 йилдан эса Мария Кюри-Склодовская лабораториясида ишлай бошлайди. 1926 йилда унинг қизи Ирен Кюрига уйланади. Эр-хотин биргаликда тадқиқот ишлари олиб бориб, ядро физикаси соҳасида буюк кашфиёт яратадилар. Бу кашфиёт учун Ирен ва Фредерик Жолио-Кюри 1935 йилда Нобел мукофотига сазовор бўлишади.

Фан ва халқ турмушини муштарак ҳолда тушунган Жолио-Кюри бутун умрини атом энергиясини халқ бахт-саодатига хизмат қилдиришга бағишлаган инсонпарвар олим эди.

1940 йилда гитлерчи фашистлар Францияга бостириб кирганларида ўз халқининг содиқ фарзанди Жолио Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг актив иштирокчилари сафидан жой олади. У ҳаётини хавф остида қолдириб, оккупация даврида ўз уйини партизанларга ўқ-дори тайёрловчи арсеналга айлантиради. Уруш роса авж олган 1942 йилда Жолио Франция Коммунистик партияси сафига киради.

1942 йилда Жолио Францияниг атом энергияси бўйича Бош комиссари қилиб тайинланади. У бу вазифани бажарар экан, ҳарбий характердаги ишларни рад этиш сиёсатини ўтказади. Шу сабабли ҳам француз ҳукмрон доиралари америка империалистларининг талаби билан Жолио-Кюрини атом энергияси бўйича олиб бориладиган ишларга раҳбарлик қилишдан четлаштиради.



Фредерик ЖОЛИО-КЮРИ.

Жаҳон тинчлик тарафдорлари ҳаракати туғилган дастлабки кунлардан бошлаб Жолио бу ҳаракатнинг оташин раҳбари ва илҳомчиларидан бирига айланади. У 1950 йилда тузилган Жаҳон Тинчлик Кенгашининг раиси вазифасида умрининг охиригача узлуксиз ишлайди. Жолио-Кюри тинчликсевар кучларни бирлаштириш тарафдори бўлиб чиқди. Тинчлик учун кураш ишига бутун дунёдаги оддий кишиларни кенг жалб этишга олим айниқса катта эътибор берарди. Оғир касал бўлиб ётган вақтларида ҳам у тинчлик тарафдорлари ҳаракати билан чуқур қизиқиб, унга раҳбарликни давом эттирди. 1958 йилда Стокгольмда қуролсизланишга бағишлаб ўтказилган Жаҳон конгресси қатнашчилари бетоб ётган докладни зўр ҳаяжон билан тинглаган эдилар.

Жолио-Кюри Совет Иттифоқининг содиқ дўсти эди. У бир неча марта СССРга келган. Ҳар гал олимларимиз фаолияти, совет кишиларининг маънавий дунёси, уларнинг тинчлик, дўстлик ва фаровонлик учун олиб бораётган курашлари билан қизиқиб танишарди.

Тинчлик ва халқлар бахти-саодатининг оташин курашчиси Жолионинг хизматлари юксак баҳоланиб, унга 1951 йил 1 апрелда «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти берилди. У 1958 йилда вафот этди.

Туғилганига 60 йил тўлиши муносабати билан тинчликни кадрлайдиган ҳар бир инсон Жолио номини самимий ҳурмат билан эсга олмоқда. Улуғ олим ва машҳур жамоат арбоби, фан ахматкаши ва тинчлик жангчисининг хотираси авлодлар қалбида яшайди.

Телевизор экранида

19 МАРТДА

19.00. Уқувчилар учун рус тилида «Диққат, стартга» деган эшиттириш.

19.20. Узбек тилида «Етти йиллик план ҳақида ҳикоялар».

19.40. Ф. Жолио-Кюрининг туғилган кунига 60 йил тўлишига бағишланган эшиттириш.

20.10. Сўнгги ахборот.

20.30. Радио эшиттириш ва телевидение комитети солистлари ва халқ чолғу асбоблари оркестрининг концерти.

21.10. Киноповесть—«Ташналик».

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19, 20/III да премьера **Дон-Кихот.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Йўлчи юлдуз**, 20/III да кундуз **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, кечқурун **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да **Ошиқ Ғариб**, 20/III да кундуз **Олтин кўл**, кечқурун **Фарғона ҳикояси.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Нина** ва **Александр Капитановлар** раҳбарлигида **«Чангалзордаги ҳодиса»** номли аттракцион ва янги программада тамошалар. Кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша** кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

Хўрланганлар (1-серия) — «ВАВАН» (кундуз ва кечқурун).

Оқ тунлар — «СПУТНИК» (2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кичкина оролда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3 да).

«Орёл» — НАВОИЙ, «СПУТНИК» (1-залда) «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кўзали қиз — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кеч соат 11-20 минутда).

Бир кўришда берилган қўнғироқ — «ИСКРА» (кеч соат 10 яримда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз 2, кеч 5 ва 8-20 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 1, кеч 5, 7 ва 10 яримда).

Рус балети усталари (кундуз соат 12, 2-25 минут, 4-50 минут ва кеч 9 яримда), **Яшна Молдова** (кундуз 1-25 минут ва 3-50 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
мактаб ўқувчиларининг каникул кунларига

РЕПЕРТУАР ПЛАН

25/III да — **Йўлчи юлдуз.**
26/III да — **Юрак ёнмоғи керак.**
27/III да — **Оқпадар.**
29/III да — **Тоға-жиянлар.**
31/III да — **Фурқат.**

Спектакллар кундуз соат 12 да бошланади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040,135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156 Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808. 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 05118. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А-1555.